

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети
тарих ва ижтимоий фанлар факультети**

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Тожиқулов Ўткир

**“Тарих, глобаллашув ва цивилизация ўзаро алоқадорлигининг
фалсафий жиҳатлари”**

**5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими
йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини олиш учун ёзилган**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БМИ раҳбари:

доц. Ф.Юлдашева

Андижон - 2014

**Мавзу: Тарих, цивилизация ва глобаллашув ўзаро
алоқадорлигининг фалсафий жиҳатлари**

1 боб ТАРИХ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ	8
1.1 “Тарих” тушунчаси. Тарихнинг моҳияти.....	8
1.2 “Цивилизация” тушунчаси, моҳияти ва тузилиши.....	15
1.3 Цивилизация назариялари	27
2 боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ	
2.1 Глобаллашувнинг келиб чиқиши ва эволюция босқичлари.....	45
2.2 Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон.....	55

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Цивилизация XX аср охири ва XXI аср бошларида энг кўп тилга олинадиган муаммолардан бирига айланди. Ижтимоий ҳаёт барча соҳаларининг бугунги интеграцияси бир-бири билан боғланган ҳолда цивилизациянинг асосини ташкил этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, цивилизация инсоният ижтимоий интеграциясининг сифат жиҳатдан янги босқичи сифатида юзага чиқмоқда. Ҳозирги кунда цивилизация жараёнидан четда қолаётган бирор-бир мамлакат ёки миллатни топиш қийин. Ҳар қандай цивилизация албатта, бошқа цивилизациялар ва маданиятлар билан ўзаро алоқага киради, уларнинг ривожига таъсир этади, бунинг натижасида ўзи ҳам тараққий этади. Бунга мисол қилиб дунёга ўнлаб мутафаккир алломаларни етказиб берган Марказий Осиё цивилизациясини айтиш мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Президентимиз ана шу мавзуда маъруза қилди. У ўз маърузасида ўрта асарларда яшаб ижод қилган шарқ алломаларининг буюк илмий мероси бебаҳо эканлиги ва уларнинг бугунги тараққиёт ва келажак учун аҳамияти улкан эканлигини эътироф этди.¹ Кўриниб турибдики, жамият тарихида илмий билиш соҳаси улкан рол ўйнаганлиги ҳатто Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Цивилизация объектив ва қонуний жараён сифатида жаҳоннинг барча мамлакатлари ва миллатлари ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, ахлоқий-диний, маданий-маънавий, экологик ва бошқа соҳаларини қамраб олган бўлиб, унинг суръатлари тобора тезлашиб бораётгани аниқ. Цивилизация оқибатида келиб чиққаётган муаммоларнинг у ёки бу

¹ Каримов И.А.Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти”. Халқ сўзи., 2014 йил, 16 май. № 95. 1-2 бет.

жихатлари барча миллатлар ва давлатларнинг манфаатлари, тақдири ва мақсадларига ҳам алоқадор. Цивилизация субъектлари ижтимоий - иқтисодий, маданий, коммуникатив ва ахборот тизимлари орқали боғланган бўлиб, бундай боғланиш миллатлараро ва давлатлараро ўзаро таъсирнинг янги глобал шаклида намоён бўлмоқда. Кўриниб турибдики, цивилизация бугунги куннинг энг долзарб, ўткир ва зиддиятли муаммоларидан бирига айланди.

Цивилизация ижтимоий интеграциянинг сифат жиҳатдан янги босқичдир. Инсоният пайдо бўлибдики, у ўз тарихий тараққиётининг барча давларида ҳам турли шакллардаги ижтимоий интеграция жараёни тизими доирасида ҳаёт кечирган. Демак, бундай интеграциянинг илдизлари жуда қадимий бўлиб, улар жамият шаклланишининг бошларига бориб тақалади. Аммо бугунги кунга келиб бу объектив жараён унга субъектларнинг аралашуви оқибатида сунъийлик хусусиятлари касб этиб бормоқдаки, бу ҳолат барча мамлакатларнинг ҳам тақдирига алоқадор бўлган муаммоларни келтириб чиқармоқда ҳамда улардан глобаллашувга нисбатан муносабатини қатъий белгилаб олишни талаб этмоқда. Цивилизацияни ўрганиш жамиятнинг бугунги тараққиёти ва келажаги нуқтаи назаридан муҳим бўлиб, мазкур ҳолат бир неча жиҳатлар билан белгиланади. ”Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий - демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларимизни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳаказолардир”.²

Цивилизация барча мамлакатлар ва миллатларни ўзаро боғловчи жараён. Дунё ҳамжамияти ўз тараққиётида ҳали бунчалик бир-бири билан кучли боғланмаган ва бир бутунликка интилмаган эди. Бундай боғланиш барча мамлакатлар ва миллатлар олдига бир томондан, уларнинг иқтисодий

²И.А.Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Т. 1997, 147-б.

–ижтимоий тараққиёти учун кенг имкониятлар яратаётган бўлса, иккинчи томондан, бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Цивилизация жараёнининг натижаларидан унинг барча субъектлари ҳам бир хил даражада фойдалана олиш имкониятига эга бўлмаганлиги сабабли айрим йирик мамлакатлар ўз тараққиётида жуда илгарилаб кетган бўлсалар, бошқалари эса иқтисодий - сиёсий ва маданий жиҳатдан тобора уларга тобеъ бўлиб бормокдалар.

Мавзуни ўрганилганлик даражаси. Биринчидан, цивилизацияни ўрганиш энг аввало, тарихий тараққиёт жараёнининг динамикаси ва тенденцияларини ўрганишдир, чунки глобаллашув тарихнинг барча босқичларида ҳам у билан ёнма-ён амалга ошган ва келажак тарихи бу жараёндан ажралмасдир.

Иккинчидан, цивилизация тобора чуқурлашиб ва кенгайиб бораётганлиги сабабли уни ўрганиш жамиятнинг келажаги, тараққиёт йўналишларини ўрганиш ва истиқболларини аниқлаш билан боғлиқ. Бу нуқтаи назардан ижтимоий ҳаётни режалаштириш давомида албатта, унга глобаллашувнинг таъсири ҳисобга олиниши шарт.

Учинчидан, цивилизация миллатлар ва мамлакатларни ўзаро боғлиқлигини кучайишига олиб келаётганлиги туфайли муаммо цивилизацияни интеграция, демократия, плюрализм, эркинлаштириш, модернизация ва толерантлик доирасида таҳлил этиш билан боғлиқ.

Тўртинчидан, цивилизацияни ўрганиш Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар ва миллатлар билан ўзаро алоқаларининг йўналишларини аниқлаш ва уларнинг келажагини гуманизм, ўзаро тенглик, плюрализм каби тамойиллар асосида тўғри белгилашга ҳамда глобаллашув ва унга мослашиб бориш шароитида яшаш, миллийликни сақлаб қолишнинг янги ва самарали йўлларини излаб топишга хизмат қилади.

Цивилизация тушунчаси таркибига қадриятлар ҳам киради. И. А. Каримов бу ҳақда шундай деб ёзади: “Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий - демократик жамият қуриш жараёни

билан боғлиқ бўлган кадриятларимизни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳаказолардир”³.

Фалсафа муаммолари ичида тарих, цивилизация ва глобаллашувнинг ўзаро алоқадорлиги масаласини ўрганиш муҳим масала бўлиб қолди. Айтиш лозимки, мавжуд мамлакатлар ва миллатлар нафақат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан, илмий - маданий ва санъат тараққиётида ҳам ўзига хос тарихий даврларни бошдан кечирган. Жаҳон ҳамжамиятининг тараққиёти кўп жиҳатдан уларнинг тарих, цивилизация ва глобаллашув доирасидаги ўрни ва роли каби жиҳатларга ҳам боғлиқ. Бу тизимда Ўзбекистоннинг ўрнини ўрганиш алорҳида аҳамият касб этади. Шунга кўра тарих, цивилизация ва глобаллашувнинг юзага келиши, тараққиёт қонуниятлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлик масалаларини фалсафий таҳлил этиш муҳим масала ҳисобланади.

1819 й. “цивилизация” сўзи биринчи марта кўплик маъносида қўлланилиб, халқларнинг цивилизация тараққиётида турли туманлик тан олинди. Келтирилган тушунчалар билан бир қаторда XIX асрда цивилизацияга бутунлай бошқа маъно берила бошланди. Дастлаб “цивилизация” ва “маданият” тушунчалари деярли бир хил маънода қўлланилган бўлса-да, “Вақт ўтиши билан бу икки тушунчалар фарклана бошланди. Цивилизация таркибига ривожланиш ҳолатида бўлган бир бутун мамлакатлар ва халқларни кирита бошладилар. Ф.Гизо “Европада цивилизация тарихи” (1828), сўнгра “Францияда цивилизация тарихи”ни (1830) ёзади, Р.Бокль “Англияда цивилизация тарихи”ни (1857-1861) нашр этди”⁴. Кейинроқ цивилизацияни Н.Данилевский “маданий – тарихий тур”, О.Шпенглер “юксак маданият”, Тойнби тарихнинг асосини ташкил этувчи “локал цивилизация”, П.Сорокин “маданий супертизм”, Ф. Бродель эса “маданий – тарихий зона” сифатида тасвирлаганлар.

³ Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қоғолатлари. Т., 1997. Б.-147.

⁴ Василенко И.А. Политическая глобалистика. М.: Логос, 2000. -С.350.

Ҳозирги глобаллашув даврда цивилизациялар ва маданиятлараро ўзаро муносабатларнинг тобора кенгайиб бориши бу ҳодисани янада долзарб мавзуга айлантирди. Глобаллашув доирасида олиб борилаётган илмий-фалсафий тадқиқотлар ҳам цивилизация ҳодисасини ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширди. Бу соҳада сўнгги пайтларда ўзбек олимлари, Россиялик ва бошқа чет эл тадқиқотчилари томонидан яратилган кўплаб илмий асарларни айтиб ўтиш мумкин⁵.

Бу масала бўйича сиёсатшунос олим И.Эргашевнинг фикрини келтириб ўтиш ўринли бўлади: “Цивилизация-ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихий-маданий ривожланиши, шаклланган қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар, тафаккур тарзида намоён бўлади. ... Дунёнинг яхлитлиги унинг хилма-хиллигини инкор этмайди. Аксинча, ана шу турли хил маданият, дин, илм-фан ва адабиёт, санъат уни бойитади”⁶.

Битирув малакавий ишининг мақсади тарих, цивилизация ва глобаллашув жараёнларининг ўзаро ўхшашлик жиҳатлари ва ўзаро алоқадорлигининг эволюцияси ва моҳияти каби масаларни ўрганиш ва таҳлил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Битирув малакавий ишининг объекти. Мазкур ишнинг объектини тарих, глобаллашув ва цивилизация жаарёнларининг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш ташкил этади. Инсоният тарихдан ажралмас ҳодиса. Цивилизация ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалари доирасида муҳим ўрин тутди. Инсоният шакллана бошлабдики. У билан параллел равишда тарих, маданият, цивилизация юзага келган. Тарихий даврнинг ҳеч қайси босқичини цивилизация тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатлар ва миллатлар иқтисодий-ижтимоий ҳаёти юксак тараққий этган даврлар цивилизация даврлари сифатида эътироф этилади.

⁵Яковец Ю.В.Глобализация и взаимодействие цивилизаций.Экономика.Издание 2-е.Дополненное и переработанное.М.,Экономика.2003, История цивилизаций. М.:Владос, 1997, У истоков новой цивилизации.М.:Дело, 1993, Становление постиндустриальной цивилизации. М.: Экономика, 1992; Василенко И.А.Диалог цивилизаций: социокультурные проблемы политического партнерства.М.: Эдиториал УРСС, 1999;

⁶Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси.-Т.:Академия, 2000. 40- б. А.Хўжаев.Буюк ипак йўли. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Давлат илмий нашриёти.Т., 2007.

Тарих, цивилизация, глобаллашув алоқадорлигининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш мазкур ишнинг объектини ташкил этади.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Тарих, цивилизация ва глобаллашувнинг ўзаро алоқадорлиги механизми, алоқадорлик босқичлари, мазкур алоқадорликнинг эволюцияси, асосий омиллари кабиларнинг фалсафий жиҳатларини ўрганиш битирув малакавий ишнинг предметини ташкил қилади.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти. Мазкур малакавий ишда акс этган материаллардан талабалар ва бу соҳада қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин. Унда келтирилган мисоллар ва айрим маълумотлар цивилизация, тарих ва глобаллашув соҳасини ўрганаётган мактаб, лицей ва коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари учун ҳам муҳимдир.

Битирув Малакавий иши Кириш, иккита боб ва учта параграфдан иборат бўлган Асосий қисм, Хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Жамита адабиётлар рўйхати келтирилган. Битирув Малакавий ишибетдан иборат. БМИ билан АДУ АРМ да ва Фалсафа кафедрасида танишиш мумкин.

1 боб. Тарих объектив жараён сифатида

2.1 “Тарих” тушунчаси. Тарихнинг моҳияти

Тарих ижтимоий борлиқнинг ажралмас қисми ва атрибутидир. “Тарих” тушунчаси “ижтимоий борлиқ” тушунчасига яқин, аммо мазмунан бир хил эмас. Тарих оддийдан мураккабга томон ҳаракат қилувчи, объектив, ва узлуксиз, ортга қайтмас ва чексиз жараёндир. Бу жараён ўз эволюциясида ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни бирлаштиради. Бу нуқтаи назардан тарих ўзига хос босқичлардан иборат бўлган ва ворисликка асосланган эволюцион жараён.

Ҳар қандай миллат ёки мамлакат тарихи у ёки бу ҳолатда жаҳон тарихига алоқадор. Жаҳон тарихи тарли миллатлар ва халқларнинг турлича тарихи асосида шаклланган бўлиб, унда мазкур миллатлар ва халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти, тарихий қадриятлари, маданияти, турмуш тарзи, менталитети ва ҳ.к. акс этади. Жаҳон тарихи турли миллатлар ва халқларнинг хусусий тарихлари, маданияти ва цивилизациясининг синтези сифатида мавжуд бўлиши мумкин. Диалектик нуқтаи назардан жаҳон тарихи миллатлар ва давлатларнинг ҳар хил тарихи асосланган, маълум маънодага бир хилликни ташкил этади, деб эътироф этиш мумкин.

Тарих, цивилизация ва глобаллашувнинг ўзаро алоқадорлик масаласи ҳозирги даврда долзарблик касб этиб бормоқда. Глобаллашув ижтимоий ҳаётнинг ажралмас хусусиятига айланди. Глобаллашув ҳозирги кунда барча миллатлар ва давлатлар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, тил ва бошқа соҳаларига ўз таъсирини ўтказмоқда ва уларнинг турмуш тарзини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Глобаллашувнинг таъсиридан четда қолаётган соҳа қолмади, деб айтиш мумкин. бу жараённинг таъсирига тортилмаган миллатлар ва давлатлар қолмади. Ўзларининг хоҳиши ва иродасидан қатъий назар улар глобаллашув

жараёнида иштирок этмоқдалар. Уларнинг айримлари бу жараённинг объектига, бошқалари эса субъектларига айлангани ҳолда, яна бирлари бу жараёнга шунчаки эргашувчи ёки кузатувчи сифатида муносабатда бўлмоқдалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган масалалар доирасида тарих ва глобаллашув, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, жаҳон тарихи ва глобаллашувнинг ўзаро алоқадорлиги, глобаллашувнинг маконий жиҳатлари каби муаммолар кўплаб ўзбек олимлари ва чет эл тадқиқотчиларининг диққат эътиборида турибди.⁷

Цивилизация ва глобаллашувнинг илдизлари инсоният тарихининг шаклланиши билан боғлиқ. Қисқача қилиб, глобаллашувни турли халқлар ва жамиятларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти интеграциясининг юқори босқичи сифатида таърифлаш мумкин. Бу жараённинг илдизлари кишилар ва турли халқлар ўртасидаги дастлабки иқтисодий-ижтимоий ва маданий муносабатларнинг юзавга келиши даврларига бориб тақалади. Айтиш мумкинки, инсоният тарихи ушбу муносабатлар билан параллел ҳолда бошланган. Аста секин турли тарихларнинг ҳам ўзаро муносабатлари учун шароит пайдо бўлди ва бундай асосда жаҳон тарихи пайдо бўлди.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг кенгайиб бориши натижасида алоҳида миллатлар, мамлакатлар ва давлатлар тарихлари бир-бири билан ўзаро алоқадор бўла бошлади. Ўз навбатида бундай алоқадорлик мавжуд муносабатларга акс таъсир кўрсатиб, уларнинг янада ривожланиши ва тараққий этишига олиб келди. Миллатлар ва давлатларнинг тарихлари жаҳон тарихининг элементаларига айландилар. Жаҳон тарихи доирасида мантиқан олиб қаралганда, бошқалар билан ўзаро алоқадор бўлмаган ягона тарихнинг бўлиши мумкин эмаслиги аниқ.

⁷Актуальные проблемы глобалистики и геополитики. Красноярск. СФУ, 2012; Василенко И.А. Политическая глобалистика.-М.: Логос, 2000; Саидов У.Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот.-Т.: Академия, 2008; Умаров Б.Глобаллашув зиддиятлари.-Т.:Маънавият, 2006; Яковец Ю.В.Глобализация и взаимодействие цивилизаций.-М.:Экономика, 2003 и др.

Тарих, глобллашув ва жаҳон тарихи тараққиётининг мантиғи ўзаро мос келади. Бу нуқтаи назардан инсоният тарихини глобллашувнинг ҳам тарихи сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларсиз тарихнинг шаклланиши амалга ошмайди. Демак, тарихни амалга ошиш жараёнининг ўзи глобллашувнинг ҳам туғилишига сабаб бўлади. Турли якка ҳолда олинган тарихларнинг ўзаро боғланиши глобллашув орқали амалга ошади.

Кишилар ва жамиятлар ўз ҳаётида ўзаро муносабатларга ва алоқадорликка интиладилар. Улар алоҳида яшай олмайдилар. Тарих мавжудлиги ва тараққиётининг диалектикаси шундайки, у алоҳида халқлар ва жамиятлар боғлиқлиги ва муносабатлари тарихи сифатидагина амалга ошиши мумкин. Бундай алоқадорлик ва муносабатларсиз миллат ёки бирор бир жамият тарихи жуда оддий, қисқа ва рангсиз бўлиши табиий. Бундай тарихнинг яшовчанлик хусусияти ҳам шаклланмайди. Масалан, турли сабабларга кўра бугунги кунда цивилизациядан ажралиб қолган халқлар тарихи сўзимизга мисол бўлиши мумкин. Уларнинг ҳаёти ҳақида нималарни айтиш мумкин?

Жамият тараққиёти билан бирга унинг ўзига ўхшаш жамиятлар билан ўзаро алоқалари кенгайиб ва чуқурлашиб боради. Улар биргаликда ижтимоий-иқтисодий алоқаларини кенгайтириб борадилар, моддий ва маданий бойликлар яратадилар, янгиликлар кашф қиладилар ва барча соҳаларда ижод қиладилар. Демак, доим кишилар, миллатлар ва турли жамиятлар табиий ҳолда ўзаро алоқаларга ва муносабатларга интиладилар. Бадиий, илмий ижод ва ижоднинг бошқа шакллари асосида инсоният янада кўпроқ янгиликлар яратиб боради, ҳамда бундай янгиликлар ўзаро алоқаларнинг янада кенгайишига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, аста секин турли жамиятлар ўртасида интеграция жараёни юзага келади. Иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда

хамжамиятлар, корпорациялар шаклланади. Энди иқтисодий соҳага эргашиб, маданиятлар ва цивилизациялар ҳам ўзаро алоқага кирадилар. Цивилизациялар тараққий эта бориб, тарихнинг ўзи уларнинг алмашинуви сифатида намоён бўла бошлайди.⁸

Интеграциянинг юзага келиши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун янги имкониятлар яратади, тарих субъектлари учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлади. Бу жараёнда тарих ва глобаллашув биргаликда боради. Демак, эътироф этиш мумкинки, глобаллашувнинг илдизлари дастлабки иқтисодий муносабатлар, дастлабки ҳарбий юришлар, давлатлар ўртасидаги урушлар, жаҳон динларининг шаклланиши каби тарихий ходисаларнинг юз бериши билан боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси ҳозирги кунда тобора ривожланиб бораётган глобаллашувнинг амалга ошишида муҳим рол ўйнаган дастлабки ижтимоий омиллар ҳисобланади.

Турли халқлар ва давлатларнинг муносабатлари глобаллашувсиз амалга ошмайди. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун изоляция (иҳоталаниш) зарур эмас, аксинча, бошқа жамиятлар билан ўзаро алоқалар зарур. Демак, ҳар қандай жамиятнинг тарихи бошқа жамиятлар ва уларнинг тарихлари орқалигина яратилади. Бундай ҳолат эса маълумки, интеграция ва глобаллашувсиз амалга ошмайди. Агар дастлаб интеграция ва кейинроқ глобаллашув тарихда ўз-ўзидан табиий амалга ошган бўлса, кейинчалик тарихий жараённинг қандай бориши, хусусиятлари ҳамда йўналишлари глобаллашувга боғлиқ бўлиб боради.

Халқлар ва давлатлар қанчалик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларини ривожлантириб борганлари сари, шунчалик интеграция ва глобаллашув кенгайиб ва ривожланиб боради. Шундай қилиб, тарихнинг ривожланиши натижасида юзага келган глобаллашув жараёни энди ўзи тарихни ярата бошлайди ва турли давлатлар ва

⁸См. Тойнби А. Дж. Постигение истории. Сборник. М.: Прогресс, 1991. Шпенглер О. Закат Европы. Т.1. Образ и действительность. Новосибирск, Наука, 1993; Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций.-М.: Экономика, 2003 и др.

халқларни ўз доирасига тортиб боради. Бунинг натижасида алоҳида халқлар ва давлатларнинг тарихи ҳам жаҳон тарихига янада боғланиб боради.

Юқорида қайд этилганлардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёни табиий ва объектив тарзда юзага келади ва ривожланиб боради. Унинг ўзи тарих тизимида юзага келган бўлсада, энди унинг тараққиёти давомида ўзига хос бўлган қонуниятлари юзага келади, диалектик ривожлана бориб, энди у тарихга акс таъсир кўрсата бошлайди. Аста секин унинг субъектлари, яъни глобаллашувга таъсир кўрсатишга, ўз мақсадлари ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда унинг боришини маълум йўналишларга буриб юборишга интилувчи ва уни амалга оширувчи субъектив кучлар пайдо бўлади. Бундай кучлар иқтисодий, сиёсий, маданий, экологик ва ҳ.к. соҳаларда ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Энди улар бир хил манфаатлар асосида турли иқтисодий, сиёсий, диний, ҳарбий ва ҳ.к. халқаро ташкилотларга бирлаша бошлайдилар. Кўп ҳолларда тарихий жараённинг бориши, моҳияти, зиддиятлари ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу кучларга боғлиқ бўлиб қолади. Бу нуқтаи назардан тарих ҳам глобаллашувнинг ўхшашлиги шундаки, бу иккала объектив жараён ҳам кишиларнинг онгли фаолиятисиз амалга ошмайди.

Умумий қилиб айтганда, табиий хусусиятга эга бўлган глобаллашув жараёни энди сунъийлик хусусияти касб эта бошлайди. Бунинг натижасида турли мамлакатлар ва давлатлар кутилмаган иқтисодий-сиёсий муаммоларга дуч келадилар, ихтиёрларига зид равишда зиддиятларга ва муаммоларга тортила бошлайдилар. Кўп ҳолларда бундай зиддиятлар ҳарбий ихтилофлар ва ҳатто улкан урушларга, инқилобларга олиб келади.

Демак, фалсафий нуқтаи назардан тарих ва глобаллашув бир томондан, алоҳида олинган қонуний ва объектив жараён бўлса, иккинчи томондан иккита ўзаро бир-бирига алоқадор бўлган жараён. Бу икки

жараён баъзан ёнма-ён, баъзан боғлиқликда амалга ошади. Уларнинг иккиси ҳам ўзига хос мураккаб структурага, ўхшаш жиҳатларга ва амалга ошиш қонуниятларига эга. Тарих глобаллашувга нисбатан бирламчи ҳодиса бўлиб, глобаллашувни амалга ошишининг шартидир. Ўз навбатида глобаллашув ҳам тарихий жараён мавжудлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Тарихий жараёнда юзага келган глобаллашув дастлаб интеграция шаклида амалга ошади. Кишиларнинг, турли жамиятларни, уларнинг тарихини бир-бирига боғлаган ҳолда, глобаллашув интеграциянинг юқори шакли сифатида намоён бўла бошлайди. тарихнинг қонуниятлари кишиларнинг онги орқали ўтган ҳолда амалга ошади. Айниқса, бу жараёнда шахслар, буюк шахслар, сиёсий партиялар ва уларнинг етакчилари, ҳарбий саркардалар, турли сиёсий гуруҳлар ва ҳ.к.лар улкан рол ўйнайдилар. Улар тарихни ҳаракатлантирувчи кучларидир.⁹

Тарих ҳам объектив ва ҳам субъектив жараён, чунки у инсонларнинг фаолиятисиз амалга ошмайди. Тарих ворислик хусусиятига эга. Унинг ривожланиши авлодлар ўртасидаги боғлиқлик, аниқроғи ворисликка асосланади. Жамият томонидан яратилаётган ҳар қандай қадриятлар ўтган авлодлардан бугунги авлодга ва ундан келажакка ўтиб боради. Ҳар бир янги авлод ўз навбатида янгиликлар яратади, ижод қилади ва шу йўл билан тарихни тўлдиради ва ривожлантиради. Шундай қилиб тарихнинг узлуксизлиги, авлодларнинг боғлиқлиги ва улар ўртасида ворислик таъминланади. Тарихнинг мавжудлиги шунга асосланадики, “... ҳар қандай шароитда ҳам авлодлар ўртасидаги доимий боғлиқлик тўла узилиб қолмайди, ҳар доим авлодларнинг ворислигини таъминловчи элементлар сақланиб қолади. Тарихда маданият, таълим, моддий ишлаб чиқариш каби ижтимоий механизмлар томонидан ворислик тўла бўлмасада, кафолатли таъминланади. Бунинг натижасида ижтимоий жараён у ёки бу тарзда

⁹Плеханов Г.В. К вопросу о роли личности в истории. Избр.филос.произведения. т.5.

тажриба, билим, моддий ва маънавий бойликлар тўпланиб борадиган тарих хусусиятларига эга бўлиб боради”¹⁰.

Қайд этилган жараёнларга асосан ҳар бир авлод ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида маълум тарихий тажриба эга бўлади ва у ҳаётини бошидан бошламайди. Бундан келиб чиқадики, инсонлар туғилган давларидан бошлаб ўтмиш тажрибасини ва бошқалар билан ўзаро боғлиқликнинг натижаларини англаш ва қабул қилиш ҳолатида бўлади. Айтиш мумкинки, ўзаро алоқадорлик келажакнинг ҳам мавжуд бўлишини таъминлайди. Қайсидир маънода глобаллашув тарихнинг яшашини таъминлаб беради. Бундай қонуният ўзининг мантиғига эга. Чунки вақт ўтиб бориши билан кишилар ўзлари мансуб бўлган битта авлод томонидан тўпланган тажрибанинг ўзи тарихнинг мавжудлигини таъминлаб бера олмайди, аниқроғи, бошқалар билан боғланмаган битта авлоднинг тажрибаси камлик қилади.

Цивилизация тушунчаси таркибига қадриятлар ҳам киради. И.А.Каримов бу ҳақда шундай деб ёзади: “Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий - демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларимизни киритамиз. Бу инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳаказолардир”¹¹.

¹⁰ Шаповалов В.Ф. Основы философии современности. К итогам XX века. -М.: Флинта-Наука, 1998. – С.131.

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўғасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т., 1997. Б.-147.

1.2 “Цивилизация” тушунчаси, моҳияти ва тузилиши

Тарихий жараёни цивилизациясиз тасаввур этиб бўлмайди. Тарих ва цивилизация ўзаро алоқадор ҳодисалар. Улар бир - бирини тақазо этади. “Цивилизация” ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан бирига айланган. Бу сўзни тадқиқодчилар турли маъноларда қўлламоқдалар. Ушбу тушунча эволюциясининг тарихига назар солсак, бу тушунча француз тарихчи олими Л.Феврнинг айтишича, биринчи марта 1766 йилда Франция маърифатпарварлари ва Англия маърифатпарварлари томонидан 1773 йилларда қўлланган. “Маданият” тушунчаси эса илк мартаба 1774 йилда илмий муомалага киритилган.¹² “Цивилизация” тушунчасининг ўзаги латинча “civis” бўлиб, “шаҳарлик”, “шаҳарлашиш” маъноларини англатади. Дастлаб бу тушунча “silvaticus”, яъни “ёввойи”, “қўпол” тушунчаларига қарши қўйилган. Янги даврга келиб “цивилизация” “маданият”нинг синоними сифатида ҳам қўлланила бошланди. Ҳозирги даврда ҳам у маданий, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг босқичи сифатида тушунилади.

Кейинроқ цивилизацияни Н.Данилевский “маданий – тарихий тур”, О.Шпенглер “юксак маданият”, Тойнби тарихнинг асосини ташкил этувчи “локал цивилизация”, П.Сорокин “маданий супертизм”, Ф. Бродель эса “маданий – тарихий зона” сифатида тасвирлаганлар. Келтирилган тушунчалар билан бир қаторда XIX асрда цивилизацияга бутунлай бошқа маъно берилди. Жумладан, Америка антропологи Л.Морган ва унинг кетидан “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” асарининг муаллифи немис марксист олими Ф.Энгельс ушбу тушунчани инсоният тарихида ёввойилик ва варварлик босқичидан инсоният ҳақиқий жамиятининг босқичига ўтиш сифатида, аниқроғи, оила, хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарзда тушунган эдилар.

¹²Февр Л.Цивилизация: эволюция слова и группы идей // Бои за историю. М.:Наука. 1991. 242-247 б.

Дастлаб “цивилизация” ва “маданият” тушунчалари деярли бир хил маънода қўлланилган бўлсада, “Вақт ўтиши билан бу икки тушунчалар фарқлана бошланди. Цивилизация таркибига ривожланиш ҳолатида бўлган бир бутун мамлакатлар ва халқларни кирита бошладилар. 1819 й. “цивилизация” сўзи биринчи марта кўплик маъносида қўлланилиб, халқларнинг цивилизация тараққиётида турли туманлик тан олинди. Ф.Гизо “Европада цивилизация тарихи” (1828), сўнгра “Францияда цивилизация тарихи”ни (1830) ёзади, Р.Бокль “Англияда цивилизация тарихи”ни (1857-1861) нашр этди”.¹³

Демак, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб “цивилизация” ва “маданият” тушунчалари фарқлана бошланди. Дастлаб цивилизация юксак иқтисодий, маданий – маънавий тараққиётни, кўп жихатдан диний тараққиётни англатган бўлса (масалан, Шпенглернинг фикрича, ҳар бир цивилизациянинг асосида дин ётади), кейинроқ маънавий тараққиёт кўпроқ маданият билан боғлана бошланди. Маданиятнинг моҳияти энди юксак цивилизация ҳамда унинг қўлга киритган улкан ютуқларини ифода этувчи маънавият шакллари ва даражаси билан боғлана бошланди.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, собиқ СССР да марксистик мафкура доирасида цивилизация ва маданият соҳасида қилинган тадқиқотларда маданиятнинг моддий ва маънавий турлари эътироф этилган бўлсада, унга асосан тарихий материализм нуқтаи назаридан ёндашилди, яъни ҳар қандай цивилизация ва маданият тараққиёти ва умуман жамиятнинг маданий тараққиёти энг аввало, иқтисодиёт ва моддийлик билан боғланди. Шу сабабли ҳам бу даврда маънавият соҳаси ва уни таҳлил этишга етарли эътибор берилмади. Бу соҳада айрим илмий асарларни ҳисобга олмаганда, чуқур илмий-фалсафий тадқиқотлар олиб борилмади. Буларнинг оқибатида барча соҳаларда бўлгани каби цивилизация ва

¹³ Василенко И.А. Политическая глобалистика. М.: Логос, 2000. 350 б.

маданият соҳаларини тадқиқ этишда ҳам фақат материалистик ёндашув қарор топди.

“Маданият” тушунчаси ўзининг кўп жиҳатлилиги ва кенг қамровлилиги билан хусусиятланади. Маданият соҳасида тадқиқотлар олиб борган Я.Уайт, К.Клакхон, А.Кребер каби чет эл муаллифлари маданият ҳодисасини жамият аъзоларининг биргаликда яшашининг мазмуни, жамиятни эса ана шу мазмунни қамраб олувчи бир бутун тизим сифатида тушунадилар.

Қайд этилган тушунчалар билан бир қаторда сўнгги пайтларда “дунё цивилизацияси” деган тушунча ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу тушунча аввало дунёнинг умумий тарихи билан боғлиқ ҳолда қўлланилади. Дунё цивилизацияси дунё тарихининг маълум бир босқичини ифода этади ва бу тарихий босқичда инсоният ўзининг маълум эҳтиёжлари, манфаатлари ва интилишлари билан характерланади. Бундан ташқари бундай цивилизация ўзининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, илмий жиҳатларига, моддий ишлаб чиқаришнинг босқичига, ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш кучлари, иқтисодий ва маънавий муносабатларига эга бўлиб, бу давр бир неча асрларни ўз ичига олиши мумкин. Дунё цивилизацияси ҳақида гап кетганда ушбу цивилизацияга ўз хиссасини қўшаётган бир неча цивилизациялар ва маданиятларнинг йиғиндиси назарда тутилади.

Ҳозирги даврда цивилизациялар ва маданиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ривожланиши, кенгайиб бориши ва уларнинг турли шаклларда намоён бўлиши бу ҳодисани янада долзарб мавзуга айлантирди. Бир томондан Шарқ цивилизацияси ва иккинчи томондан Ғарб цивилизацияси дунёда ўз таъсирини кучайтириш мақсадида тинмай турли йўллар билан ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли ҳам цивилизацияларнинг динамикаси, ижтимоий тараққиёт, жамиятнинг эволюцион тараққиёти билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ҳам цивилизация ҳодисасини ўрганишга бўлган қизиқишни янада оширди

Цивилизацияга берилган таърифларнинг айримларига эътиборимизни қаратсак, бу таърифларда цивилизация асосан уни ташкил этувчи турли элементларни бирлаштирувчи бир бутунлик эканлиги назарда тутилади. Бир қатор муаллифларнинг таърифларига кўра, ушбу бутунлик ўз навбатида тизимлилик хусусияти билан ҳам тавсифланади. Масалан, цивилизация ахлоқ, санъат, дин, тил, фан, маданий анъаналарнинг бирлиги эвазига маълум бир бутунликка эришган жамият сифатида таърифланади.

Рус олими Ю.Яковец Цивилизациялар тарихи асарида цивилизация масаласига атрофлича тўхтаб, уни икки хил маънода: дунё цивилизациялари ва локал цивилизациялар маъносида тасаввур этади. Муаллиф дунё цивилизациясини қуйидагича таърифлайди: “Дунё цивилизацияси инсоннинг маълум эҳтиёжлар, қобилиятлар, билим, кўникмалар ва манфаатлар даражаси ва ишлаб чиқаришнинг технологик ва иқтисодий усули, сиёсий ва ижтимоий муносабатлар қурилмаси, маънавий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси билан тавсифланадиган инсоният тарихининг босқичи; гап асосан ўта узок даврга (кўпасрлик) мўлжалланган тарихий цикл ҳақида кетмоқда”¹⁴.

Кўриниб турибдики, келтирилган таъриф инсоният тараққиётининг аниқ бир босқичида жамият ва шахсни тавсифлаши мумкин бўлган хусусиятларни ўз ичига олган. Бундан ташқари таърифда жамият ижтимоий ҳаётининг деярли барча соҳалари: иқтисодий, сиёсий, маданий - маънавий, илмий соҳаларининг тараққиёт даражаси жамиятнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари билан боғлиқликда ифода этилади. Албатта, цивилизацияга ривожланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу таърифда барча соҳаларнинг ривожланиш даражаси ҳисобга олинган ва масалага комплекс ёндашилган. “Локал цивилизациялар тақдирлари умумий бўлган, умумтарихий прогресс

¹⁴Яковец Ю. История цивилизаций. М.:Владос, 1997. 41 б.

суръатини баъзан унинг эпицентрида туриб, баъзан ундан йироқлашиб инъикос этувчи ва унга таъсир этувчи алоҳида мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ва этносларнинг маданий-тарихий, этник, диний, иқтисодий – географик хусусиятларини ифода этади”.¹⁵ Бизнингча, ушбу таъриф асосан локал цивилизацияларни назарда тутган бўлсада, бу ерда сўз “умумий тарихга эга бўлган” этнослар ва “мамлакатлар гуруҳи” ҳақида борапти.

“Локал” сўзининг ўзи алоҳида, якка, ажралиб қолган маъносини беради. Бу тушунчани бизнингча, алоҳида таҳлил этилаётган маданиятга нисбатан қўллаш ўринли бўлади. Чунки локал цивилизациянинг ўзи гарчи у локал, яъни алоҳида бўлсада, бир неча мамлакат ёки миллатни ўз ичига олиши мумкин. Демак, бу тушунчани маълум сабабларга кўра, (масалан, табиий ёки ижтимоий) тараққиётдан ажралиб қолган якка мамлакат ёки миллатга нисбатан қўллаш тўғрироқ бўлади. Локал цивилизациялар назарияси тарихнинг босқичма-босқич назариясига қарши бўлиб, унга кўра инсоният тарихи барча халқлар учун ягона жараён сифатида эмас, балки локал цивилизацияларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва емирилиши сифатида намоён бўлади.

Цивилизация ўта кенг тушунча, бундай сифатда у турли-туман маданиятларни ўз ичига олиши, унинг чегараларини ташкил этувчи (шартли маънода, чунки макон жиҳатидан цивилизациянинг аниқ чегарасини белгилаш қийин) улкан ҳудудлар ва халқларни бирлаштирувчи тизимдир. Бу маънода ушбу тушунчанинг ўзи ҳам назарий жиҳатдан кўплаб миллатлар ва халқларни бир тизимга бирлаштиради.

Якка ҳолда олинган бирорта мамлакат ёки миллат тарихига ва маданиятига нисбатан цивилизация тушунчасини қўллаш қийин. Чунки тарихий даврнинг маълум бир босқичида мамлакат ёки миллат мавжуд

¹⁵Яковец Ю. История цивилизаций. М.:Владос, 1997. 42 б.

цивилизацияга тегишли бўлиши, ёки унга яқин туриши, ёки ўзи алоҳида цивилизация сифатида намоён бўлиши мумкин. Кузатишлар шуни кўрсатадики, масалан, “Европа цивилизацияси”, “мусулмон цивилизацияси” га бирлашган миллатлар динидан ташқари деярли барча бошқа соҳаларда бир-биридан фарқ қиладилар. Унинг устига “цивилизация” кўпроқ жамиятнинг тараққиётини англатади. Бу ҳолда турли цивилизация тарихлари давомида ҳар хил даврларни – жамиятнинг гуллаб – яшнаган ёки турғунликка учраган даврларни кузатиш мумкинлиги эътиборга олиниши керак. Бунга Европа мамлакатларининг ёки ислом дини тарқалган мамлакатларнинг уйғониш давригача бўлган ҳолати ва ундан кейинги турғунлик даврларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Цивилизация макон ва замон чегараларининг улканлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Ҳар қандай цивилизация қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Ижтимоий онг
2. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар
3. Иқтисодий ишлаб чиқариш
4. Илмий-технологик ишлаб чиқариш
5. Инсон, оила, халқ.

Ижтимоий онг ўз навбатида ахлоқ, дин, санъат, фан, сиёсат ва ҳуқуқни бирлаштиради. Ижтимоий онгнинг икки хил даражаси мавжуд: ижтимоий психология ва мафкура. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар эса жамиятда ижтимоий гуруҳлар ўртасида пайдо бўладиган сиёсат соҳасидаги алоқалар ва ҳодисаларни ўз ичига олади. Иқтисодий ишлаб чиқариш моддий нарсаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, бу тизим ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларини бирлаштиради. Ишлаб чиқариш кучлари бу энг аввало инсонлар, ишлаб чиқариш воситалари. Ишлаб чиқариш муносабатлари эса маълум моддий бойликни ишлаб чиқариш давомида пайдо бўладиган

кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳамда кишиларнинг меҳнат қуролларига бўлган муносабатлари. Илмий – технологик ишлаб чиқариш эса ҳар бир даврда илмий ва технологик тараққиёт соҳасидаги ютуқларни англатади. Цивилизациянинг технологик жиҳати Инсоният тараққиётининг дастлабки даврларида инсон ва ҳайвонлар технологик қўшни ташкил этган бўлсалар, аста-секин инсон тараққий этган сари инсон сунъий нарсаларни ярата бошлади. Меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналар, турли машиналар, конвейерлар, роботлар ва ҳ.к.лар ярата бошлади. Улар вақт ўтиб борган сари мураккаблашиб борди. Янги технологик тизимлар пайдо бўлди. Улар асосида эса меҳнат тақсимооти янада ривожланди ва кенгая борди. Технологик ва илмий инқилоблар амалга ошди.

Ижтимоий-сиёсий тузилма эса турли ижтимоий муносабатларни: жинслар, болалар ва катталар, катталар ва қариялар ўртасидаги муносабатларни, синфий, диний сиёсий, ҳуқуқий муносабатларни бирлаштиради. Этник ва миллий муносабатлар бир ҳудудда яшовчи турли миллатлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларни англатади. Давлат-ҳуқуқ муносабатлари ҳокимиятнинг турли шакллари ва у билан боғлиқ бўлган турли ҳуқуқий қонун қоидаларга асосланган муносабатларни ифода этади. Бундан ташқари бу соҳага яна давлатнинг ички муносабатлари ва бошқа давлатлар билан алоқалари ҳам қиради. Сиёсий муносабатлар эса алоҳида ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифода этувчи партиялар ўртасидаги, сиёсий тузилмалар ўртасидаги ички сиёсий муносабатлар ва ташқи сиёсий муносабатларни фарқлаш лозим.

Албатта, ҳар қандай цивилизация инсон ва жамиятнинг маънавий дунёси билан боғлиқ бўлган жараёнларни ҳам ўз ичига олади. Улар бевосита ахлоқ, дин, санъат, фан, таълим ва маданиятга алоқадор бўлган ҳодисаларни ўз ичига олади.

Ҳар қандай цивилизациянинг асосида инсон туради. Инсонларни бирлаштирувчи энг кичик жамият – оила ҳам цивилизацияда марказий ўрин эгаллайди. Айнан оилада инсон ҳам биологик, ҳам ижтимоий жихатдан шаклланади. Оила ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг кичик макони ҳисобланади. Оилалар бирлашиб жамиятнинг янада каттароқ ижтимоий гуруҳларини ташкил этади.

Ҳар қандай тарих бу энг аввало маданият, цивилизация ва кадриятларнинг ўзаро муносабати ва таъсиридан ажралмаган ҳолда таракқий этади. Бу жараёнда айрим давлатлар ва миллатларнинг маданияти етакчи ролни ижро қилган сифатида, айримлари эса иштирокчи ва бошқалари шунчаки кузатувчи бўлиши мумкин. Қайси миллат ва мамлакатлар қандай ролни ижро этиши бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқ.

Цивилизацияларнинг ўзаро муносабати сифатида намоён бўлаётган бундай жараённинг асосий хусусияти шундан иборатки, етакчи ролни ижро этаётган маданият таъсирида бошқа миллатлар ва давлатларнинг маданияти, ижтимоий - маънавий ҳаёти, турмуш тарзи, маълум кадриятларга асосланган дунёқараш тизими ва кадриятлар ориентацияси бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Асрлар давомида жамиятнинг ижтимоий онгини белгилаган, маълум ориентациялар ҳосил қилган, маънавий ва ахлоқий соҳанинг асосини ташкил этувчи кадриятлар тизими тарихий жараёнда янгиланиши жамиятнинг модернизация таъсирида замонавийлашиб бориши тенденцияси билан боғлиқ.

Цивилизация умумбашарий фалсафий тушунчалардан бири бўлиб, «маданият», «ижтимоий - иқтисодий формация», «жамият» тушунчаларига яқин бўлса ҳам айнан бир хил маънони ифода этмайди.

«Цивилизация» тушунчаси латинча «цивилис» - сўзидан олинган бўлиб, «гражданликка оид», «давлатга оид» сингари маъноларни англатади. Кўп йиллар давомида илмий адабиётларда маданият ва цивилизация бир хил маъноли тушунчалар сифатида талқин этиб келинди. Ҳолбуки, буюк немис

файласуфи И.Кант улар ўртасидаги яқинлик ва тафовут мавжудлигини кўрсатган эди. XX аср бошларига келиб, немис файласуфи Освальд Шпенглер «Европа қуёшининг сўниши» асарида маданият ва цивилизация тушунчаларини бир-бирига қарама-қарши қўйди. Унинг фикрича, цивилизация маданиятнинг энг юқори босқичи бўлиб, ундан кейин эса маданият аста-секин инқирозга юз ўгиради. Немис файласуфи цивилизация деганда техник- механик жараёнлар мажмуини назарда тутди.

Маданиятнинг пайдо бўлиши инсониятнинг ёввойиликдан кейинги даври билан боғлиқ бўлса, цивилизация - тарихий жараён, ижтимоий ҳодисадир. Цивилизациянинг ривожланиши жамиятни юксалтиришга олиб келади, натижада бу жамият фуқаролар эркинлигини таъминлаш имкониятини яратади. Цивилизацияли ҳаёт инсонни маданиятли қилади ва унинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароит яратади.

Ҳозирги даврда цивилизациялашганлик кўпроқ қулайлик тушунчаси билан айланилаётган. Унинг моҳиятини саноат истеъмол воситаларини яратиш ташкил этмоқда: айтилишича у жамият ривожланишининг мезони ҳисобланмоқда.

Мавжуд илмий адабиётларда цивилизация атамасининг иккинчи маъноси ҳам ёритилган. У латинча «гражданликка оид» тушунчаси билан боғлиқдир. Латин тилидан кириб келган гражданлик, горожанин сўзларининг ўзаги бир хилдир. Цивилизация шу маънода шаҳар маданияти тушунчасини ҳам ифодалайди. Шаҳар маданиятини яратган ва унда яшаган кишиларни цивилизацияли инсон ҳисоблаш расм бўлган. Цивилизацияни бундай тушуниш айтилишича Юнонистон, Рим ва бошқа жойларда кенг тарқалаган (Кравченко А.И. Введение в социологию. М.1995)

XVIII аср француз файласуфлари цивилизацияга эришган жамият деганда ақл ва адолатга асосланувчи жамиятни тушундилар.

Цивилизация объектив ижтимоий ҳодиса бўлиб, одатда бирон бир халқ, минтақа, жамият, давлат ва ҳатто бутун жаҳонга нисбатан қўлланилади:

- цивилизацияга эришган халқ,

- Шарқ цивилизацияси, ғарб цивилизацияси,
- цивилизацияли жамият, цивилизацияли давлат.

Цивилизация бутун бир халқ ёки миллат, тарихий давр ва мамлакат томонидан яратилади.

Маданият - цивилизациянинг муҳим бир элементиدير. Адабиётларда цивилизацияга соф моддий ҳодиса деб қараш ҳоллари ҳам учрайди. Моддий тараққиёт ўса бориши билан кишиларнинг фаолият соҳаларида ўзига хос ўхшашликлар ва маълум қулайликлар пайдо бўлади ва улар тўпланиб «цивилизация»ни ташкил этади.

Цивилизация тушунчасига инсон томонидан яратилган предметлар, ҳодисалар киритилмоқда:

- моддий бойликлар, транспорт воситалари,
- касб-кор, илмий-тадқиқот ўтказиш усуллари,
- ички тартиб, қоида, низомларни ҳимоялаш усуллари,
- инсонларнинг турмуш тарзи,
- озиқ-овқатларни истеъмол қилиш сифати, даражалари, меъёрлари
- эҳтиёжларни таъминлаш меъёри ва даражалари,
- саноат, қишлоқ хўжалиги, тақсимот, ривожланиш даражалари,
- кийим-кечак ишлаб чиқариш, кийиниш, орасталик, эстетик дид ва бошқалар.

Фан тараққиёти, унинг амалиётга татбиқ этилиши, таълим-тарбия тизими ва уни амалга ошириш усуллари цивилизация ютуқлари ҳисобланади.

Халқлар, давлатлар, минтақалар ривожланишидаги ўзига хос фарқлар цивилизациялараро тафовутларни ташкил этади. («Сирли олам» журн, 1994, 4-сон).

Демак, цивилизация кўпроқ моддий тараққиётдаги фарқларга тегишлидир. Маданият эса маънавий тараққиёт соҳасидаги тафовутлардан келиб чиқади.

Цивилизация ва маданият ўртасида ўзаро алоқадорлик, шунингдек, улар ўртасида тафовут ва зиддиятлар бўлиши ҳам мумкин. Цивилизация ва маданият айтилиши бир вақтда вужудга келиши мумкин. Бироқ улар бир текис ривожланмайди.

Цивилизация ривожланган бўлиши, лекин маданият қолоқ аҳволда қолиши мумкин ва аксинча. Кўпгина давлатлар тараққиёти шундан гувоҳлик беради. Масалан: Қадимги Рим ўзининг гуллаб-яшнаган даврида ўта ривожланган цивилизацияга эга эди, аммо унда маданият кам тараққий этган эди. Чунки унинг санъати ва фалсафаси маълум бир ҳаётий дунёқарашдан илдиз отиб чиқмаган эди, мавжудлари эса бирон бир дунёқарашнинг таъсирида ривожланган эди.

Христиан дини вужудга келиши билан дастлабки даврларда у цивилизацияга бирор нарса бера олмади, аммо у дунёга юқори даражали маданият берди. Бу маданият христианлик дунёқарашидан келиб чиққан эди.

Римлик ақл-идрок эгаларининг фаолият тарзи моддийлик талабларига бўйсунган эди. Демак, Қадимги Рим тараққий этган цивилизацияга мисол бўла олади. Кейинчалик Римда цивилизация ва маданият уйғунлашди, яъни христианлик туфайли Рим ҳам цивилизацияга, ҳам маданиятга эришди. Бироқ цивилизация маданиятга бўйсундирадирилган, маданиятга бўлган эътибор кучайган эди.

Жаҳон тараққиётнинг ҳозирги босқичида цивилизация ва маданиятнинг ўзаро муносабатига бўлган турлича қараш ва концепциялар мавжуддир. Европа мамлакатларида асосан жамиятнинг моддий томонига эътибор кучайтирилиб, маданиятни цивилизацияга бўйсундиришга ҳаракат қилиняпти.

Инсониятнинг тафаккур тарихидан яхши маълумки, тараққиётнинг айрим даврларида фалсафа, маданият, маънавият бирламчи, устивор ўринни эгаллаган. Материалистик дунёқарашнинг чинакам цивилизациянинг юзага келишига сабаб бўлган даврлари ҳам бўлган. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маданият ва цивилизация

тушунчаларининг ўзаги бир хил эмас: дин руҳият, маънавий камолот, илоҳиёт билан боғланган, цивилизация эса инсониятнинг меҳнати, яратувчан фаолияти асосида вужудга келган ижтимоий жараёндир.

Демак, цивилизация ва маданият турлича тушунчалар ва категорияларга асосланади. Инсоният тафаккурининг турли босқичларида маданият ва цивилизацияни бирлаштириш йўлида кўп ҳаракатлар бўлган.

Яхудийларнинг муқаддас диний китоби бўлган Тавротда ижтимоий ғоялар ва моддийлик бирлаштирилиб, яхлит ҳолда берилган. Яхудийлар ўз таълимотларида цивилизация ва маданиятни бир-бири билан боғлашга, қўшишга уринганлар.

Цивилизация ва маданиятни бир-бири билан боғлаш, қўшишга бўлган уриниш ҳиндуизм ва зардуштийлик динларига ҳам бўлган.

Лекин бу икки соҳани айлаништириш ва бир хил ҳодиса деб қараш ярамайди. Чунки цивилизация ва маданият бир-биридан ўз моҳияти ва тузилиши жиҳатидан кескин фарқ қилади.

Цивилизация табиий ва ижтимоий-маданий уюшмаларнинг яхлитлиги, халқ бунёдкорлик фаолиятининг маҳсули ҳисобланади.

Бунда шу халқнинг маданияти, анъаналари, удумларининг ўзига хос хусусиятлари, яшаш жойларининг географик ва иқлим шароитлари ўз ифодасини топади.

Цивилизация - миллатлараро тотувлик, иқтисодий алоқалар бирлиги (хўжалик муносабатлари), табиий-географик шароитлар, маданий ва антропологик томонларни ўз ичига олади. Айниқса, бунда миллий тил ва маданият бениҳоя аҳамиятлидир. Чунки ҳар қандай цивилизациянинг моҳияти ва мазмуни ана шу тушунча ва белгиларга боғлиқдир. Лекин ҳар қандай цивилизация ўзаро алоқадорлик, ўзаро таъсир асосида шаклланади. Ҳар қандай цивилизация ўзининг шаклланишида бошқа цивилизацияларнинг ютуқлари ва имкониятлариданиложи борица кенг фойдаланади, уларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади.

Тойнби, Карл Ясперс ва бошқаларнинг фикрича, Россия цивилизацияси Ғарбий Европа цивилизацияси қаторида туради.

Лекин Россия цивилизацияси юнон-рим цивилизациясининг бир тармоғи ҳисобланади. Шунингдек, Россия цивилизацияси учун византияликларнинг роли салмоқлидир.

Одатда йирик цивилизацияларнинг вужудга келиши ва ривожланиши системали равишда ўрганилади. Яъни цивилизацияни ўрганишга комплекс ёндашиш, инсон ва унинг маданиятини атрофлича ўрганиш, шу халқнинг маданияти, фаолият тарзи, хулқ-атвори ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Цивилизацияга хос хусусиятлар бадиий, маданий, маънавий ёдгорликларда ўз ифодасини топади.

1.3 Цивилизация назариялари

Ибн Халдун назарияси. Шарқ Уйғониш даврига келиб Ибн Сино, Фаробий, Ибн Халдун, Ибн Боджа каби бир қатор мутафаккирлар яратган таълимотларда ҳам глобаллашув жараёни масалалари қўйилганини таъкидлаш мумкин. Жумладан, Ибн Синонинг ақл, қалб ва жисмларни келтириб чиқарувчи ягоналик, Ибн Ал-Арабийнинг ягона дунё назарияси, Ибн Боджанинг инсониятнинг умумий ақл билан бирлашиши натижасида бахтга эришиши мумкинлигини эътироф этувчи таълимотларини айтиб ўтиш ўринли бўлади. Бу таълимотларда айнан глобаллашувга оид фикрлар ёки тушунчалар қўлланмаган бўлса-да, мантиқий жиҳатдан дунё тарихининг ягоналиги ва умумийлиги ифода этилган ва глобаллашув билан боғлиқ масалалар кўтарилган, дейиш мумкин.

Шарқ мутафаккирларининг тарих ва унинг қонуниятлари, ижтимоий фалсафага оид қарашлари доирасида Ибн Халдуннинг алоҳида ўрни бор.

В.В. Бартольд буни қуйидагича эътироф этган: “Бу қонунларни аниқлашда биринчи интилишлар араб тарихчиси Ибн Халдунга тегишли, у XIУ асрдаёқ, бу йўналишда Европа тилларидаги биринчи тажрибалардан анча илгари тарихий тараққиётнинг қонунларини аниқлашни мақсад қилиб қўйган эди”¹⁶. Ибн Халдуннинг “Ижтимоий ҳаётнинг табиати ҳақида китоб” асари тарихий жараён ва жамият тараққиётининг қонунлари таҳлиliga бағишланган бўлиб, у тарихга “Муқаддима” номи билан кирган. Аслида “Муқаддима” номи асарнинг сўнгги бобига тегишлидир. Шундай бўлсада, XV аср турк полигистри Хожи Халиф ўзининг библиографик тўпламида ушбу асарга “Муқаддима” номини қўйган.¹⁷ Ибн Халдун ўз асарини янги фан сифатида талқин этади, бу фан кишиларнинг ижтимоий ҳаёти ва кишилик жамиятини ўрганади, деб билади: “Бу фаннинг марказий масаласи тарихни ҳаракатлантирувчи кучлари ва умумий қонуниятларидир. Шу сабабли тарих фалсафанинг асосларидан бири ва у фалсафий фанлар қаторига қўшилиши керак ва бунга муносиб”, - деб ёзади.¹⁸

Цивилизациялар бир - биридан такомиллашганлик даражаси билан фарқланади.¹⁹ Тарих фалсафаси соҳасида катта тадқиқотларни амалга оширган тарихшунос файласуф олим Ибн Халдун эса цивилизацияни кишиларнинг ижтимоий ҳаёти сифатида тушунган ва уни “умрон”, деб атаган. Унинг фикрича, умрон кишиларнинг биргаликдаги ижтимоий фаолиятини ташкил этади ва икки турга бўлинади: “бадавий ҳаёти” ва “шаҳар ҳаёти”. Биринчиси оддий ва даражаси паст, бошқалар билан кам боғланган, иккинчиси эса турли-туман бўлиб, ҳаётнинг юқори босқичидир. Қуйи фазадан юқорига ўтиш, яъни шаҳарга бориб яшаш учун бадавийлар

¹⁶ “Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы.- М.:Наука, 1982. С. 311.

¹⁷ “Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы.- М.:Наука, 1982. С. 322 б.

¹⁸ Ўша жойда. 322-323 б. бўйича келтирилди.

¹⁹ Ўша жойда. 322-323 б. бўйича келтирилди.

маълум моддий бойлик йиғадилар, улар шаҳардаги қулайлик, бойликка ўргана бориб, шаҳарча табиий ҳаётга кириб борадилар ва тўла у ерга кўчиб келадилар. “Умрон” тушунчаси адабиётларда цивилизация, маданият сифатида таржима қилинган. Умрон, муаллифнинг фикрича, нарса ҳам, натижа ҳам эмас, у кишилар ва авлодларнинг ҳаёт фаолияти жараёни. Тарих эса авлодлар алмашинуви ҳамда цивилизацияларнинг юксалиши ва пасайишида акс этадиган нотекис чизиқли қонуний жараён. Цивилизация тараққиёти кишиларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги маҳаллий, ўзига хос меҳнат фаолияти ва моддий бойлик йиғишлари билан боғлиқ. Бу нарса уларнинг турмуш тарзини ҳам белгилайди.²⁰ Бадавийлар ҳаётини а) деҳқончилик ёки хунармандчилик хўжалиги; б) ҳаёт ва маданиятнинг паст ишлаб чиқариш ва истеъмол даражаси; в) маълум муҳит ва шароитга боғланиб қолганлик; г) шаҳарга сиёсий ва иқтисодий қарамлик белгилайди. Шаҳар ҳаётини эса а) хунармандчилик ёки савдо-сотиқ билан шуғулланиш; б) хўжалик, истеъмол ва маданиятнинг юқори даражаси; в) хавфсизликнинг юқори даражаси; г) иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан бадавийлар ҳаётига боғлиқ эмаслик белгилайди. Тараққиётни аҳоли сонининг ўсиши, шаҳарда ишчи кучининг тўпланиши ва меҳнатнинг, яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланиши белгилайди. Иккала фазанинг ҳам ўзига хослиги ва шарт-шароитлари кишиларнинг психологик хусусиятлари, кўникмалари ва ахлоқий қоидаларини белгилайди.²¹

Шпенглер ва Тойнби назарияси. Цивилизация соҳасида тадқиқотлар олиб борган йирик тадқиқотчи олимлар тарихнинг цивилизациялар алмашинуви асосида ривожланиши назариясини илгари сурганлар. О.Шпенглернинг “Европанинг сўниши”, (“Закат Европы”), А.Дж.Тойнбининг “Тарихни англаш”, “Постижение истории” Н.

²⁰ Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы. М.: Наука, 1982. С.340-341.

²¹ Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы. М.: Наука, 1982. С. 342-354.

Данилевскийнинг “Россия ва Европа”, П.А. Сорокиннинг “Ҳозирги замон социологик назариялари” (“Социологические теории современности”) ва С.Хантингтоннинг қайд этиб ўтилган “Цивилизациялар тўқнашувими ?” (“Столкновение цивилизаций ?”), “Биз киммиз? Америка миллий идентификациясининг чакириқлари” (“Кто мы есть? Вызовы американской национальной идентичности”) асарларига мурожаат қилсак, улар жамият тараққиётининг ўзи турли хил цивилизацияларнинг кетма-кет алмашинуvidан иборат эканлигини таъкидлаб ўтганлар.²²

Мазкур асарларда тарихий жараёнга цивилизацияларнинг алмашинуvi сифатида ёндашувга асос солинди. Ушбу назарияларни бирлаштирган ҳолда тарихнинг цивилизация назариялари, деб айтилса бўлади. Мазкур назарияларни ҳам икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, цивилизацияни тарихий жараённинг босқичи ва тарих уларнинг кетма-кетлигидан иборат, деб қараб кўпроқ умумийликка урғу берса, иккинчиси тарихни локал цивилизациялар тарихидан иборат, деб ҳисоблайди ҳамда индивидуаллик ва ўзига хосликка урғу беради.

Шпенглер инсоният тарихини бир–биридан фарқ қилувчи ва қайтарилмас цивилизацияларнинг алмашинуv жараёнидан иборат, деб тасвирлаган. Ҳар бир цивилизациянинг асосида маълум бир маданият ётади. Маданият тирик организм каби туғилиш, ўсиш (ривожланиш) ва сўниш босқичларини босиб ўтади. Ҳар бир маданият ўзига хос, у сўнаётиб цивилизацияга айланади. Бундай маданият (цивилизация) ҳар хил бўлиб, уларнинг ҳар бири минг йил яшайди. Шпенглер тарихда цивилизациянинг қуйидаги шакллари мавжуд бўлганини таъкидлайди: Миср, Вавилон, Ҳиндистон, Хитой, Греция-Рим (аполлон), араб, Мексика ва Ғарб (Фауст).

Шпенглердан сўнг Тойнби эса инсоният тарихини бир – бирига занжирсимон тарзда алмаштирувчи йигирма битта цивилизациялар тарихига бўлган ҳолда тасаввур этади. Улар анд, хитой, миной, шумер,

²² Қаранг: Данилевский Н. Россия и Европа. М.: Книга, 1991; Шпенглер О. Закат Европы. Т.1. (Пер.с немецкого). Новосибирск.: Наука, 1993; Тойнби А.Дж. Постигание истории. Сборник (Пер.с англ.) М.: Прогресс, 1991, Цивилизация перед судом истории. М.: Прогресс; Культура, 1995; Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис. 1994. № 1.

майя, хинд, эллин, ғарб, православ (Россия), узоқ шарқий (Корея, Япония), эрон, араб, индуизм, мексика, юкатан ва вавилон цивилизациялари. “Таниқли цивилизациялар сони кўп эмас, биз 21 та цивилизацияни аниқладик, лекин уларни чуқурроқ таҳлил этиш мустақил цивилизацияларнинг сонини янада камроқ эканлигини кўрсатади.”²³ Бу цивилизациялар дини ва ҳудудий белгилар билан фарқланади. Улардан ҳар бирини ўз қадриятлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг атрофида цивилизацияларнинг ҳаёти шаклланади. Цивилизациялар туғилиш, ривожланиш, синиш ва емирилиш даврларини босиб ўтади. Бу цивилизациялардан ҳар бирининг олдида чақириқ ва жавоб муаммоси туради. Табиий ёки инсоний муҳит цивилизация олдида ўз чақириғини қўяди. Жамиятнинг келгуси ҳаёти эса цивилизациянинг чақириққа жавоб бера олиш қобилияти билан боғлиқ.

Барча чақириқлар иккига бўлинади: табиий муҳит ва инсоний муҳит чақириқлари. Уларнинг қуйидаги шакллари мавжуд: каттиқ иқлим, янги ерлар, атроф кишилиқ жамияти томонидан кутилмаган ҳужумлар, доимий ташқи босим ва камситишлар. Тойнби уларнинг асосий формуласини ишлаб чиқади: “Чақириқ қанчалик кучли бўлса, стимул ҳам шунчалик кучли бўлади”. Тойнби ҳар бир цивилизация ўзига хос стилга эга, деб ҳисоблайди. Бундай стиллар турлича бўлиб, цивилизациялар эстетик, диний, техникавий тенденцияларни ифода этишлари мумкин. Масалан Ғарб цивилизацияси кўпроқ машинавий ишлаб чиқариш, аниқ фанларнинг кашфиётларидан самарали ва ижодий фойдаланишга йўналганлиги билан тавсифланади. “Биз энди бу бизнинг Ғарб жамиятининг бош линияси эканлигини ҳис қилибгина қолмаяпмиз, тўла ва аниқ англаяпмиз. Биз Ғарб энергияси ҳаракатланаётган вақт йўналишининг давомийлигини ҳам аниқ белгилай олмаслигимиз мумкин. Баъзан бизга машина асрини бир ярим юз

²³ Тойнби А.Дж. Постигение истории. Сборник (Пер.с англ.) М.: Прогресс,1991. С.67.

йилликдан кўпроқ вақт аввал бошланган Ғарб саноат инқилоби очиб бергандек туюлади”.²⁴

Тойнби халқларнинг тарихи уларнинг ўз цивилизациясига эга эканлиги билан боғлиқлигини таъкидлаб, цивилизация сифатида юзага келган, аммо айрим сабабларга кўра бу цивилизациялар тараққиётдан тўхтаб қолганлиги сабабли уларнинг тарихи ҳам тўхтаб қолган, деб ҳисоблайди. Чунки уларнинг ўз-ўзини аниқлашга, ўзини ифода этишга ва шу орқали юксакроқ тараққий этган маданият даражасига кўтарилиш учун имконлари бўлмаган. “Тойнбининг позициясини маданий плюрализм – инсоният тарихи алоҳида олинган якка ижтимоий ташкилотларнинг (“цивилизацияларнинг”) мажмуасини ташкил этишига ишониш сифатида тавсифлаш мумкин. Уларнинг ҳар бири ўзининг қайтарилмас йўллари босиб ўтади ва ҳаётини тўла белгилаб берувчи ўзига хос кадриятлар тизимига эга.”²⁵

Аслида Тойнби Шпенглер назариясини давом эттиради. Бутун дунёнинг умумий тарихига нисбатан Шпенглернинг цивилизациялар алмашинуви назариясини, алоҳида олинган жамиятларга нисбатан Тойнбининг локал цивилизациялар назариясини қўллаш, бизнингча тўғрироқ бўлса керак. Ҳар бир цивилизация мураккаб тузилган бир бутун тизимдан иборат бўлиб, унда турли элементлар ўзаро боғланган ва алоқада бўлган тарзда акс этади. Демак, цивилизациялар ва маданиятлар ҳақида сўз юритилганда уларнинг ҳар бирига конкрет ёндашув талаб қилинади. Цивилизацияларнинг алмашинуви тарихий тараққиётни белгилайди. Цивилизациялар ўзгаради, йўқолади, лекин уларнинг маданият билан боғлиқ бўлган асоси, ўзаги сақланиб қолади. Ана шу ўзак асосида бири-биридан фарқ қилувчи цивилизациялар яна янгича кўринишда ривожланади.

²⁴ Тойнби А.Дж. Постигение истории. Сборник (Пер.с англ.)М.: Прогресс,1991. С. 239.

²⁵ Ивин А.А.Философия истории. М., Гардарики 2000. С.15.

Немис файласуфи Карл Ясперс (1883-1969) ҳам ўз асарларида дунё тарихининг ягоналиги масаласига эътибор қаратади. Унинг фикрича, инсоният доирасида турли миллатлар ва мамлакатлар бор бўлишига қарамай, у ягона тарихга эга. Инсониятнинг келиб чиқиши ва мақсадлари ягона. Инсоният умумий мақсадга эгаллиги сабабли ҳам унинг тарихи ягона. Бутун тарих бир-бирининг ўрнини босувчи учта фазага: тарихгача бўлган давр, тарих ва дунё тарихига бўлинади. Дунё тарихи дунёнинг ва инсониятнинг глобал бирлигидан бошланади²⁶.

Тарих фазасида – эр. аввалги ўқ даврда, яъни 800-200 йилларда ҳозирги замон одами пайдо бўлди ва тарихда кескин бурилиш бошланди, дунё тарихининг асоси, ўқи ташкил топди. Бунгача мавжуд бўлган архаик маданият локал характерга эга бўлган бўлса, энди маданият универсаллаша бошлади. Шу орқали инсоният “... ҳукукий тартибга солинган, моддий ва маънавий чексиз яшашга интилувчи бирликка эришади”²⁷. Кўриниб турибдики, Ясперс яшаган даврда глобаллашув муаммолари бугунгидек долзарб турмаган бўлса-да, у ушбу жараённинг суръатлари тезлашиб бораётганини олдиндан кўра билган. Шу билан бирга, Ясперс XX асрнинг хавфларидан бири - халқнинг оммага айланиб қолиши ва омма ичида инсон ўзини йўқотиб қўйиши мумкин, деб таъкидлаб ўтган эди²⁸.

“Цивилизация” тушунчаси ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладиган сўзлардан бирига айланган. Бу сўзни тадқиқотчилар турли маъноларда қўлламоқдалар. Ушбу тушунча эволюциясининг тарихига назар солсак, бу тушунча француз тарихчи олими Л.Феврнинг айтишича, биринчи марта 1766 йилда Франция маърифатпарварлари ва Англия маърифатпарварлари томонидан 1773 йилларда қўлланган. “Маданият” тушунчаси эса илк марта 1774 йилда илмий муомалага киритилган.²⁹ “Цивилизация” тушунчасининг ўзаги латинча “civis” бўлиб, “шаҳарлик”, “шаҳарлашиш” маъноларини англатади. Дастлаб бу тушунча “silvaticus”, яъни “ёввойи”,

²⁶ Ясперс К. Истоки истории и ее цель. Вып. 1-2. М., 1991. С. 120.

²⁷ Ўша жойда. С. 63.

²⁸ Ясперс К. Истоки истории и ее цель. Вып. 1-2. М., 1991. С. 196-197.

²⁹ Февр Л. Цивилизация: эволюция слова и группы идей // Бои за историю. М.: Наука. 1991. 242-247 б.

“қўпол” тушунчаларига қарши қўйилган. Янги даврга келиб “цивилизация” “маданият”нинг синоними сифатида ҳам қўлланила бошланди. Ҳозирги даврда ҳам у маданий, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг босқичи сифатида тушунилади.

Ижтимоий фанларда марксистик қараш доирасида анча вақтгача цивилизацияни инсоният тараққиётида варварлик ва ёввойилик босқичидан ҳақиқий инсоният тарихи босқичига ўтиш сифатида тушунилган. Ана шундай қарашлар Америка антропологи ва ибтидоий жамиятни ўрганган тарихчи Л.Морганнинг “Қадимги жамият” ва немис марксист олими Ф.Энгельснинг “Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши” асарида акс этган. Ф.Энгельснинг фикрича, цивилизация оила, хусусий мулк, синфлар ва давлатнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ тарзда тараққий этган.

Демак, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб “цивилизация” ва “маданият” тушунчалари фарқлана бошланди. Дастлаб цивилизация юксак иқтисодий, маданий – маънавий тараққиётни, кўп жиҳатдан диний тараққиётни англатган бўлса (масалан, Шпенглернинг фикрича, ҳар бир цивилизациянинг асосида дин ётади), кейинроқ маънавий тараққиёт кўпроқ маданият билан боғлана бошланди. Маданиятнинг моҳияти энди юксак цивилизация ҳамда унинг қўлга киритган улкан ютуқларини ифода этувчи маънавият шакллари ва даражаси билан боғлана бошланди.³⁰

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, собиқ СССР да марксистик мафкура доирасида цивилизация ва маданият соҳасида қилинган тадқиқотларда маданиятнинг моддий ва маънавий турлари эътироф этилган бўлса-да, унга асосан тарихий материализм нуқтаи назаридан ёндашилди, яъни ҳар қандай цивилизация ва маданият тараққиёти, умуман жамиятнинг маданий тараққиёти энг аввало, иқтисодиёт ва моддийлик билан боғланди. Шу сабабли ҳам бу даврда маънавият соҳаси ва уни таҳлил этишга етарли

³⁰Будагов Р.А. История слов в истории общества. М.:Наука, 1971. 124-126 б.

этибор берилмади. Бу соҳада айрим илмий асарларни³¹ ҳисобга олмаганда, чуқур илмий-фалсафий тадқиқотлар олиб борилмади. Буларнинг оқибатида барча соҳаларда бўлгани каби цивилизация ва маданият соҳаларини тадқиқ этишда ҳам фақат материалистик ёндашув қарор топди.

Сўнгги вақтларда глобаллашувга оид бўлган кўпчиликка таниш бўлган “цивилизациялар тўқнашуви” тўғрисидаги назария кенг тарқалди. Унга Гарвард университети профессори С.Хантингтоннинг “Цивилизациялар тўқнашувими?” (“Столкновение цивилизаций ?”) номли мақоласи сабаб бўлди. Бу мақолада С.Хантингтон цивилизациялар ўртасида тарихий, тил, маданий, анъанавий ва диний тафовутларнинг мавжудлиги, улар асрлар давомида шаклланганлиги ва яқин вақтда йўқолиб кетмаслиги, аксинча улар тобора кучайиб бораётганлиги ва бунинг натижасида цивилизациялар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келади.

С.Хантингтоннинг фикрича, сўнгги юз йиллик давомида келиб чиққан урушлар цивилизациялар ўртасидаги конфликтлар сабабли юз берган. Маданий хусусиятлар иқтисодий ва сиёсийларига нисбатан энг кам ўзгарувчан бўлиб, уларни ҳал этиш ёки бу соҳада келишув тузиш қийин. “Фикримча, шаклланаётган дунёда на мафкура ва на иқтисодиёт можароларнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Инсониятни ажратиб турган энг муҳим чегаралар, ихтилофларнинг йирик манбалари маданият билан белгиланади. Миллат – давлат халқаро ишлардаги бош субъектлигича қолади, лекин умумбашарий сиёсатнинг катта можаролари турли цивилизацияларга тегишли миллат ва элатлар ўртасида юзага келади.

Маданиятлараро тўқнашув жаҳон сиёсатининг етакчи омилига айланади. Тамаддунлар орасидаги ажралиш нуқталари келгусида

³¹ Духовный мир развитого социалистического общества. -М.: 1977; Спиркин А.П. Сознание и самосознание.-М.: Мысль,1977; Барулин В.С. Соотношение материального и идеального в обществе.-М.: 1977; Уледов А.К. Духовная жизнь общества.-М.: 1980; Духовное производство. -М.: 1981; Лекторский А.А. Субъект, объект, познание. -М.: 1980; Творческая природа социалистического общественного сознания. -М.: 1980 ва бошқалар.

фронтларнинг айнан ўзгинасидир. Маданиятлараро можаро ҳозирги дунёдаги глобал низолар эволюциясининг якунловчи босқичи бўлади”³². С.Хантингтоннинг фикрича, юз йиллар давомида тарихни давлатлар яратар эдилар. XX асрда уларнинг ўрнини тоталитар мафкура эгаллади, XXI аср бўсағасида сиёсатни маданиятлар тўқнашуви белгилайди. Синфий ёки мафкуравий конфликтларда “Сен ким томонидасан?”, деган саволга инсон ўзининг танлови асосида жавоб бериши мумкин бўлган бўлса, этник ва диний конфликтларда эса у “Сен ўзи кимсан?”, деган саволга жавоб бериши зарур. Яъни гап аввалдан берилган ва ўзгармайдиган нарсалар ҳақида кетяпти.³³

С.Хантингтоннинг яна бир асари “Биз киммиз? Америка миллий идентификациясининг чақириқлари” (“Кто мы есть? Вызовы американской национальной идентичности”) деб номланиб, муаллиф унда АҚШ нинг ижтимоий ҳаётида мавжуд бўлган зиддиятларни Американинг янги “душманлари” билан боғлашга ҳаракат қилади. Бу душманлар жанубдан, католик эътиқодига эга бўлган Лотин Америкасидан, биринчи навбатда Мексикадан Америкага келиб қолган иммигрантлар бўлиб, улар Хантингтоннинг фикрича, Америка халқининг миллатлик мавқеига (этномавқеига) салбий таъсир этмоқдалар. Улар ҳозирда 7,8 млн. кишини ташкил этади ва мамлакат учун энг асосий хавфни туғдиради. Улар билан америкаликларнинг қурган никоҳлари мамлакатда барқарор гуруҳларнинг шаклланишига олиб келади ва улар моҳияти Европа цивилизациясига қарши бўлган мультикультурализм ғояларининг тарқалиши учун кучли манба бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга Хантингтон Американи дастлаб эгаллаган кишилар бу иммигрантлардан фарқ қилган ҳолда янги жамият қурилишини амалга оширишга интилувчи ўзига хос ахлоқий доктринага эга бўлган мустамлакачилар ҳамжамятини ташкил этади, иммигрантлар эса янги

³² Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Полис. 1994. № 1.

³³ Ўша жойда.

жамият яратмайдилар, фақат бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрадилар, деб таъкидлайди.³⁴ Бундан ташқари Хантингтоннинг фикрига кўра америкаликлар ўзига хос, танлаб олинган (сараланган) халқ бўлиб, уларнинг ҳаётий тамойиллари универсалдир, демак, бу тамойилларнинг тарқалиши ва Америка экспансияси ҳам ўзини оқлайди. Иммигрантлар ролининг жамиятда ортиб бориши америкалаштириш ғоясига қарши. Уларнинг католик дини эса америкаликларнинг диний идентификациясига зиддир (протестантликка).³⁵

Кўриниб турибдики, муаллиф ушбу асарида энди цивилизациялар тўқнашуви ҳақида эмас, аксинча, Америка маданияти ва турмуш тарзига америкалик бўлмаган кўп сонли иммигрантларнинг таъсиридан хавотирга тушмоқда. (Бу ерда Хантингтонни Америкадаги 1950 й. ташкил этилган “Мавжуд хатарларни ўрганиш комитети” номли уюшманинг аъзоси эканлигини эслатиб ўтиш лозим. Бу уюшма бўлиши мумкин бўлган, фараз қилинаётган хатарларни ўрганиш билан шуғулланади). Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Хантингтон цивилизациялар тўқнашуви тўғрисидаги фикрига ўзи қарши чиқмоқда. Чунки унинг кейинги асарида баён этган фикрлари чуқурроқ таҳлил қилинса, гап айнан цивилизацияларнинг тўқнашуви ҳақида эмас, аксинча уларнинг муносабати тўғрисида бораётганини англаймиз.

Америкалик олим О.Тоффлер ҳам келажак тўғрисида цивилизациялар тўқнашуви маъносида бўлмаса ҳам шундай фикрга яқин бўлган пессимистик фаразлар қилган. У инсоният тарихида учта босқич - учта тўлқинни ажратиб кўрсатади. Биринчиси—аграр цивилизация, иккинчиси — индустриал цивилизация ва XX асрдан бошлаб учинчи тўлқин — янги цивилизация бошланган бўлиб, у саноат инқилоби билан боғлиқ. Учинчи тўлқин ўзигача мавжуд бўлган анъанавий цивилизацияга зид бўлиб, уни

Қаранг: Хантингтон С. “Кто мы есть? Вызовы американской национальной идентичности” - М.: ООО «Издательство АСТ»; ООО «Транзит-книга», 2004. Цитата Иноземцев В.Л. Хантингтон С. Кто мы есть? Вызовы американской национальной идентичности. Иноземцев В.Л. Вопросы философии. 2004. № 10 177-182 б.бўйича берилди.

³⁵ Ўша жойда. 179-180 б.

бутунлай издан чиқариб юборади ва ўзи билан бирга янги турмуш тарзини олиб келади. Бундай ўзгаришлар келажакни “шок” ҳолатига тушириб қўяди.³⁶

Инсоният тарихи ва турли маданиятларнинг тараққиёт тарихига эътибор берсак, тарихий жараёнда сиёсий келишмовчиликлар, турли қонли урушлар унинг доимий ҳамроҳи бўлиб келганини англаймиз. Қадимги даврдаёқ улар давлатлар ўртасидаги улкан маконларни эгаллаганлар. Уларнинг натижасида янги давлатлар пайдо бўлди, айримлари йўқолиб кетди. Ўрта асрлар ва Янги даврга келиб эса қонли урушлар янада кўпая борди, улар янада узоқроқ давом этадиган бўлди. XX асрга келиб эса бундай урушлар барча мамлакатлар ва миллатларни ўз домига тортиб глобал моҳият касб этиб жаҳон урушларига айланди. Масалан, биринчи жаҳон урушида 38 мамлакат, 70 миллиондан зиёдрок аскарлар иштирок этиб, ҳалок бўлганлар сони 10 миллион, ярадор бўлганлар эса 20 миллионни ташкил этди. Иккинчи жаҳон уруши эса ундан кўра қонлироқ бўлди: унга ўз истакларига қарши тарзда ҳудудида дунёнинг 80 % аҳолиси яшайдиган 61 нафар давлат тортилди. Уруш ҳаракатлари Ероосиё, Шимолий Африка ва Океаниянинг улкан қуруқлик ва сувлик ҳудудини эгаллади. Уларда жами 110 миллиондан зиёд киши иштирок этди ва 65 миллионга яқин киши ҳалок бўлди.

Юқоридаги статистик маълумотларни келтиришдан мақсад бу урушларнинг улкан бўлишига қарамасдан, уларда том маънодаги маданиятлар ёки цивилизациялар иштирок этмаганлигини кўрсатишдан иборат. Тарихда юз берган урушларнинг аксарияти энг аввало, ҳарбий моҳиятга ва ўз даврининг руҳига мос равишда геосиёсий моҳиятга эга бўлган. Бундай урушлар ягона цивилизация доирасида ҳам кўп мароталаб юз берган. Улар маданиятлараро ва цивилизациялар ўртасидаги этник, миллий ёки диний қарама – қаршилик ёки тўқнашув сифатида намоён

³⁶ Баталов Э.Я. Между прошлым и будущим. О книге Олвина Тофлера “Третья волна”. Иностранная литература, 1981, № 9; Яковец Ю. История цивилизаций. М.:Владос, 1997. С.40.

бўлмаган. Демак, бу урушлар маданиятлараро ёки цивилизациялараро тўқнашувларни ифода этмайди: ўнлаб давлатлар ва миллионлаб кишилар иштирок этган жаҳон урушларини ҳам цивилизациялар тўқнашуви сифатида эътироф этиб бўлмайди. Гитлер Германиясининг айби билан бошланган иккинчи жаҳон урушида христианлик тарқалган бир қанча Европа давлатлари ҳам Германияга қарши уруш олиб борганлар. Цивилизация нуқтаи назаридан улар христианлик цивилизацияси доирасида бўлиб ўтган.

Ёки яна бир мисол: Буюк Ипак йўли кўплаб миллатларнинг тарихида алоҳида рол ўйнаган, дейиш мумкин. Бу йўл Шарқни Европа билан боғлашда асосий рол ўйнаган. Унинг таъсирида Европага янгича маданият кириб борган. Римлик олим Г.Плиний ўзининг “Табиат тарихи” асарида ёзишича, пиллачилик Ғарбга Буюк ипак йўли орқали милoddан аввалги V-асрда тарқалган. Жумладан, Рим империясига олиб келинган ипак матолар учун Рим 3,5 минг тилла тангасини сарф этган. Унинг натижасида Римда танга танқислиги юзага келиб, ҳукумат ипак матолар ва бошқа маҳсулотларни чеклаш ҳақида қарор қабул қилишга мажбур бўлган.³⁷ Бу йўл орқали боғланган мамлакатларда янгича маданият, кийимлар, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари пайдо бўлган. Бундай боғланиш нафақат иқтисодий – маданий соҳада, ҳатто этник муносабатларда ҳам катта из қолдирган. Ўзбек тарихчи олими А.Хўжаевнинг ёзишича, милoddнинг дастлабки асрларида Туркия ва Шарқий Туркистон орқали Хитойга буддавийлик кириб борган. VI асрдан бошлаб эса, ислом кириб кела бошлади. Бу борада Хитойга бориб ўтроқлашиб қолган мусулмонларнинг роли катта бўлди. Бунинг натижасида Хитойда “дунган”, “тунган” (туриб қолган сўзидан келиб чиққан), деб аталувчи янги этнос шаклланган. Ушбу этнос таркибига туркийлар, араблар, форсийлар ва бошқа халқлар вакиллари қўшилганлар. Ҳозирда

³⁷ А.Хўжаев.Буюк ипак йўли. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.Давлат илмий нашриёти.Т., 2007. 91-199 б.

сони 8 миллионга яқин ушбу этносни ислом динининг Хитойга тарқалиши натижаси, деб қараш мумкин.³⁸

Ўрта Осиёга Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг бостириб келишини ҳам (хатто у Марказий Осиё маданиятига катта таъсир, аниқроғи, салбий таъсир кўрсатган бўлсада) цивилизациялар ўртасидаги тўқнашув сифатида эътироф этиш нотўғри бўлади. Умуман, инсоният тарихида бўлиб ўтган урушларга эътибор берсак, улар цивилизацияларнинг тўқнашуви сифатида эмас, кўпроқ ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар сифатида намоён бўлиб, улар олдида цивилизациялар билан боғлиқ бўлган муаммоларни асосий мақсад сифатида қўймаганлар. Иқтисодий ва сиёсий таъсир натижасида маданият соҳасида ҳам ижобий ва баъзан салбий моҳиятга эга бўлган ўзгаришлар рўй берган. Жумладан, Марказий Осиёда мўғул босқинидан кейинги вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклаш учун бир неча асрлар керак бўлди.

Қайд этилган урушларда турли шахсларнинг мақсад ва манфаатлари катта рол ўйнаган. Демак, улар ҳар қандай цивилизациянинг асосий субъектлари халқлар, миллатлар ва маданиятларнинг ташаббуси билан эмас, айнан давлатлар ва уларнинг етакчилари, турли сиёсий кучлар, партиялар – субъектив омилнинг ташаббусига кўра юз берган. Бундай урушларнинг асосий мақсади янги ерлар, янги бойликлар ва янги имкониятларни қўлга киритишдан иборат бўлиб, улар маданиятлар ва цивилизациялар учун фақат зарар келтирган. Ҳатто, Англия ва Франция ўртасида (ягона Европа ёки христианлик цивилизацияси доирасида!) 1337-1456 йиллар давомида бўлиб ўтган ва тарихда ”юз йиллик уруш”, деб ном олган урушларни ҳам цивилизациялар ўртасидаги тўқнашув сифатида қараш, нотўғри бўлган бўлар эди.

Цивилизациялар ўртасида тўқнашув бўлмаслигининг сабаби қуйидагича: турли маданият ва цивилизациялар асосида дин ёки илм-фан бўладими, ахлоқ ёки санъат бўладими, ушбу цивилизацияларнинг

³⁸ Ўша жойда. 91 б.

барчалари ҳам маънавий ва умуминсоний қадриятларга асосланади. Бундай қадриятларнинг моҳияти эса фақат ижобий бўлиб (чунки улар ижобий моҳиятга эга бўлганлиги учун ҳам қадриятдир), гуманизмга ва прогрессив тараққиётга хизмат қилади. Ҳеч қайси миллатнинг маданияти ёки динида бошқа миллатга қарши курашиш ғояси йўқ. Масалан, диний ғояларни олсак, уларнинг барчаси ҳам тинч – тотув яшаш, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, гуманизм, толерантлик кабиларни тарғиб этади ва қандай миллатлар уларга эътиқод қилишлари ва мансублигидан қатъий назар, барча инсонларнинг манфаатларига мос келади.

Динлар турлича бўлса-да, уларнинг моҳияти гуманизмга асосланган. Қуйидаги фикрлар бунинг яққол далилидир: “Православлик ва ислом – бу ҳар хил диний таълимотлар: уларнинг ақидавий тизимлари ҳам бир-бирига мос келмайди. Биз Илоҳий Худони ҳам турлича тасаввур этамиз. Аммо уларнинг Ердаги эзгу амаллари рўйхати бир хил. Исломни кўпинча адолат дини, Православликни эса муҳаббат дини, деб аташади. Ерда Адолат билан муҳаббатнинг тортишадиган нарсаси йўқ: динлараро ҳамдўстликнинг Ўрта Осиё тажрибаси ана шундан далолат беради”³⁹.

Агар динларнинг моҳиятида, масалан исломда, бузғунчилик потенциали юқори бўлганда у кенг тарқалмаган ва жамият томонидан қабул қилинмаган бўлар эди. Бундан ташқари, бу дин тарқалган даврда исломни қабул қилишга жамиятда ва унинг ижтимоий онгида маълум бир эҳтиёж, интенция, жамиятга ислом ғояларининг зарурлиги ва унга ғоявий – руҳий тайёргарлик мавжуд бўлганки, ислом дини аҳоли ва жамиятнинг ижтимоий онги томонидан қабул қилинган.

“Цивилизация” ўта кенг тушунча, бундай сифатда у турли-туман маданиятларни ўз ичига олиши ва унинг чегаралари улкан ҳудудлар ва аҳолини бирлаштириши мумкин. Якка ҳолда олинган маданиятга нисбатан цивилизация тушунчасини қўллаш нотўғри. Бундан ташқари

³⁹ Людмила Гуро. Не погаснет свеча православия в Средней Азии. Беседа с архиепископом Владимиром, главой Ташкентской и Среднеазиатской епархии. Ижтимоий фикр. 2001. № 2. С. 77.

цивилизациялар ҳеч қачон тўқнашувга учрамайди, чунки уларнинг асосида барча миллатларнинг маданиятларига хос бўлган миллий, диний ва бошқа умуминсоний қадриятлар ётади. Цивилизациялар бир-биридан фарқ қилса-да, ҳеч қачон тўқнашувга учрамайди, чунки уларнинг асосида барча миллатларнинг маданиятларига хос бўлган миллий, диний ва бошқа умуминсоний маданий қадриятлар ётади. Цивилизациялар ана шу қадриятлар асосида ўзаро муносабатга киради, бир-бирига таъсир кўрсатади ва тараққиётни таъминлайди.

Юқорида Хантингтоннинг “Биз киммиз? Америка миллий идентификациясининг чақириқлари” (“Кто мы есть? Вызовы американской национальной идентичности”) асарига мурожаат қилинди. Хантингтоннинг ушбу асарида келтирилган айрим фактлар Хантингтоннинг цивилизациялар тўқнашуви ҳақидаги бундан бир неча йил аввал айтган фикрларига зид. Хантингтонни хавотирга солаётган нарсаси АҚШда четдан келган иммигрантлар сонининг ортиб бориши натижасида уларнинг жамиятда маданий таъсири ҳам ошиб боришидир. Муаллиф келиб чиқиши мексикалик бўлганларнинг сони Хитой, Филиппин, Кубадан келиб қолганларнинг умумий сонидан ортиқроқ бўлиб, АҚШ аҳолисининг 27,6 % ни ташкил этиши ҳамда уларнинг ҳамжамиятлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда тобора фаоллашиб бораётганлигини эътироф этади. Бундан ташқари улар испан тилида мулоқот қиладилар. “АҚШ тарихида ҳали иммигрантларнинг катта қисми инглиз тилидан бошқа бўлган ягона тилда ҳеч қачон сўзлашмаган эдилар”⁴⁰. Лотин Америкаликлар кўп яшайдиган ҳудудларда инглиз тили кундалик мулоқот соҳасидан сиқиб чиқарилмоқда. Муаллиф қуйидаги маълумотларни келтиради: 2000 йилда Майамининг 75,2 %, Лос-Анджелеснинг 47,6 %, Нью-Йоркнинг 47,6 % оила даврасида инглиз тилида эмас, испан тилида сўзлашганлар. Уларнинг катта қисми инглиз тилининг ҳозирги ролидан

Цитата Иноземцев В.Л. Хантингтон С. Кто мы есть? Вызовы американской национальной идентичности. Иноземцев В.Л. Вопросы философии. 2004. № 10 179 б.ўйича келтирилди.

норози. Бундай ҳолат “... улар томонидан америкача маданиятни секин қабул қилиниши вақтлар ўтиб Американи икки тил, икки маданият, икки халқ мамлакатига айлантириб қўяди. Бу нарса Американи тубдан ўзгартирибгина қолмайди, мексикаликлар учун ҳам муҳим оқибатларга олиб келади, улар Америкада яшайдилар, лекин америкалик бўлмайдилар”⁴¹. Хантингтон бундай фикрлари унинг цивилизациялар тўқнашуви ҳақидаги бундан бир неча йил аввал айтган фикрларига зиддир. 2008 йилда АҚШ Президентлиги лавозимида бўлиб ўтган сайловларда Америка тарихида биринчи марта келиб чиқиши америкалик бўлмаган қора танли Барак Обаманинг ғолиб чиқиши ҳам фикримизнинг далилидир.

Албатта, цивилизациялар ва маданиятларнинг шаклланиши ва тараққиётида тил асосий омиллардан бири ҳисобланади. Миллатнинг белгиларидан бири ҳам унинг тилидир. Ўрта Осиёга ислом кириб келганидан сўнг бу дин билан бирга араб тили ҳам кириб келди. Бу тил мусулмон маданиятининг тарқалишида асосий қурол бўлиши билан бирга маҳаллий арабларнинг ҳам маданий тараққиётини белгилади. “Араб тили бутун Халифалик бўйича ёйилди ва ўз йўлида кўплаб тирик мулоқот тиллари ва адабий тилларни сиқиб чиқарди. Натижада Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Жанубий Европанинг бир қисми, Эрон, Кавказorti ва Ўрта Осиёнинг лингвистик харитаси тамомила ўзгарди. Марказлашган давлатнинг икки ярим асрлик даврида, вужудга келган тил вазияти айрим регионларда қатъий ва қайтарилмас хусусиятга эга бўлди ва айрим ўзгаришлар ҳозирги кунгача етиб келди; бошқаларида сўнгги даврларнинг йирик ҳарбий-сиёсий воқеалари (салжуқийлар ва мўғиллар босқинчиликлари, салб юришлари ва ҳ.к.) араб тилини тирик

Цитата Иноземцев В.Л. Хантингтон С. Кто мы есть? Вызовы американской национальной идентичности. Иноземцев В.Л. Вопросы философии. 2004. № 10 179 б.бўйича келтирилди. 180 б.

мулоқот куроли сифатида ёки тўла, ёхуд қисман сиқиб чиқардилар”⁴². Мазкур узун цитатани келтиришдан мақсад тилнинг цивилизациялар тарқалишидаги аҳамиятини кўрсатиш билан бирга, ҳар қандай цивилизация тарқалиш даврининг бошланишида ҳарбий қудрати кучли бўлганлиги ва бундай ҳарбий қудрат цивилизациялар ва унинг таъсирига тушган халқлар ҳаётида катта роль ўйнаганини ҳам таъкидлаб ўтишдир.

Умуман олиб қараганда, тиллар келиб чиқиши, эгаллаб турган мавқеи тизимлилик тузилиши ва имкониятлари жиҳатидан деярли тенг. Аммо уларнинг тарқалишида ёки ўз аҳамиятини йўқотишида турли омиллар билан бир қаторда ҳарбий омил ҳам кучли таъсирга эга. “Тил ўз рақибларининг қандайдир ички хусусиятлари эвазига ғолиб чиқмайди, у тилнинг ташувчилари жанговарроқ, фанатроқ, маданиятлироқ ва тадбиркор бўлганлиги сабабли ғолиб чиқади”⁴³.

Маданиятнинг асосини ташкил этувчи турли миллий ва диний таълимотларни солиштирганда ҳам шу нарсани кузатиш мумкинки, шакл жиҳатдан фарқланса ҳам, ҳодиса сифатида уларнинг моҳияти ва асосий ғоялари бир-бирига яқин: уларнинг барчаси ҳам эзгуликни, яхшиликни тарғиб этади. Уларнинг бирортаси ҳам бошқа миллатлар ёки динларга қарши урушга чақирмайди. Тўқнашувлар асосан субъектларнинг хоҳиши ва ташаббуслари билан юз бериши мумкин. Сиёсий субъектлар ёки ҳукуматлар ўртасида низоларнинг келиб чиқиши доим ҳам миллатлар ва маданиятлараро зиддиятларга олиб келмайди. Бундан ташқари демократия кенг ривожланмаган давлатларда эса сиёсий субъектлар ва ҳукумат доим ҳам давлатнинг барча аҳолисининг манфаатларини ифода этмаслиги мумкин.

2 боб. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА УНИНГ МОҲИАТИ

Очерки истории арабской культуры У-ХУ вв. Главная редакция восточной литературы. М.: Наука, 1982. 140 б.

Мартине А. Распространение языка и структурная лингвистика. Новое в лингвистике. Вып. 6. М., 1972. С. 81-93.

2.1 Глобаллашувнинг келиб чиқиши ва эволюция босқичлари.

Бизнингча, глобаллашувнинг илдизлари, аниқроғи, оддий шакллари инсоният тарихида дастлаб турли ижтимоий ҳодисалар қатори ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг бири – *алоҳида ҳодиса* сифатида юзага келган. Кейинчалик бу жараён инсониятнинг тараққиёти - миллатларнинг шаклланиши, жамиятда миллатлараро ҳамда маданиятлараро иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий – маданий муносабатларнинг кенгайиб бориши ва ривожланиши натижасида инсоният тарихининг ажралмас ҳамда муҳим қисмига айланган. Шу билан бирга у тобора объективлик ва қонунийлик хусусиятларига эга бўлиб борган.

Глобаллашувнинг алоҳида ҳодиса сифатида юзага чиққан даври унинг бошланиш даври, деб айтиш мумкин. Бу нуқтаи назардан ушбу жараён табиий ва қонуний хусусиятга эга бўлган мустақил жараёндир. Жамият ва инсон тараққий этган сари глобаллашувнинг суръатлари ҳам тезлашиб борган. Хулоса шуки, жамият тарихининг қадимий босқичида давлатлараро, миллатлараро ва демак, маданиятлараро муносабатларнинг шаклланиши даврида глобаллашув жараёнининг бошланишига асос солинган.

Айтиш керакки, ушбу жараённинг намоён бўлиши жамият тараққиётининг босқичларида турлича бўлиб, у ўзида мазкур тарихий давр босқичининг моҳияти, хусусияти ва тенденцияларини ифода этади. Глобаллашувнинг деярли XIX-XX асргача бўлган даврини айнан глобаллашув босқичи эмас, интеграция босқичи, деб айтилса бизнингча, тўғрироқ бўлади. Бу маънода ушбу интеграция босқичи бугунги глобаллашувнинг асоси, ёки қуйи даражасини ташкил этади. XX асрнинг охирлари ва XXI асрнинг бошларига келиб ушбу жараённинг тенденциялари янада яққол, дадил ва унинг бориш суръатлари тезроқ намоён бўла бошлади. Энди табиий, объектив ва қонуний хусусиятларга эга бўлган

глобаллашув унга турли субъектларнинг аралашуви натижасида тобора сунъий, айрим давлатларнинг гегемонликка интилиши билан боғлиқ бўлган ногуманистик характер касб эта бошлади.

Глобаллашувнинг таъсир доираси кенгайиб борган сари у ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги бир қатор ҳодисаларни ўзига бирлаштирувчи жараёнга айланди. Глобаллашув ҳодисадан жараёнга айланиб бориши давомида тизимий ва қонуний хусусиятларга эга бўлиб борди. У қай даражада турли ҳодисаларни қамраб бориши эвазига унинг тизим сифатидаги моҳияти янада кўпроқ намоён бўла бошлади. Глобаллашув тизимига бирлашган ҳодисаларнинг намоён бўлиши хусусиятлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Уларнинг айримлари баъзан етакчи, баъзан пассив ҳолда ўзини ифода этади. Уларнинг фаол намоён этганлари, таъсир кучи кўпроқ бўлганлари кейинроқ (кўп ҳолларда) ҳодисалик хусусиятларини ўзгартириб, мустақил жараёнга айланиб кетишлари ҳам мумкин. Масалан, иқтисодий, сиёсий глобаллашув, ёки кейинроқ маданий глобаллашувни олсак, улар дастлаб глобаллашув жараёнининг элементи сифатида ўзини намоён этган бўлсалар, ҳозирги даврда нафақат глобаллашувнинг элементи ёки шакли, аксинча мустақил жараён сифатида юзага чиқмоқда ва ўзлари ҳам яна бир қанча элементларни қамраб олмоқда.

Глобаллашув жараёнининг келиб чиқиши масаласи бўйича ҳам қарашлар турли-тумандир. Жумладан, Хоназаров Қ.Х глобаллашувнинг тил соҳасига таъсирини тадқиқ қила бориб, бу жараённинг деярли XX асрнинг ўрталаригача кечиши табиий характерда бўлганлиги ва кўпроқ локал ҳамда эпизодик хусусиятга эга бўлганлигини ва ҳозирги кунга келиб эса у жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олаётганлигини таъкидлайди.⁴⁴

О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева ҳам глобаллашув келиб чиқишининг илдизлари қадимий эканлигини таъкидлайдилар: “Қадимий империялар полиэтник давлатлар сифатида глобаллашувнинг биринчи намуналаридир. Уларда турли тилларда сўзлашувчи, ҳар хил ирқ ва

⁴⁴ Хоназаров Қ.Х. К проблеме философии языка. -Т.:Узбекистан, 2007.-С.50.

маданиятга мансуб бўлган кишилар ёнма-ён қўшни бўлиб яшаганлар... Ахмонийлар минтақаларо дунёвий империяси глобаллашувнинг биринчи намунаси ҳисобланиб, у ўзида қисман учта минтақанинг – Осиё, Африка ва Европа ҳудудларини эгаллаган эди. Ахмонийлар давлати сатрапларга бўлинган эди. Геродотнинг маълумот беришича, Ўрта Осиё вилоятлари XI, XII, XV сатрапларга кирар эди”⁴⁵.

Уткин А.И. глобаллашувнинг ривожланган даврини XIX ва XX асрлар, деб ҳисоблайди. Федотова В.Г.нинг фикрича, “глобаллашувнинг биринчи қадамлари XIX аср, тарихнинг бутун дунё тарихига айланиши билан боғлиқ эди, аммо XIX аср глобализацияси Ғарбда юз берган бирламчи модернизация жараёнининг натижаси сифатида амалга ошган”⁴⁶.

Бу соҳада ўзига хос фикрларни айтган тадқиқотчилар М.Уотерс ва Р.Робертсонлардир. М.Уотерс “Глобаллашув” номли монографиясида айтишича, “глобаллашув” тушунчаси тўрт асрдан бери қўлланилаётган “глобаллилик” терминидан келиб чиқади, лекин “глобаллашув” ва “глобализм” тушунчалари ижтимоий фикрга XX асрнинг 60-йилларидан бери кириб келди.⁴⁷ Р.Робертсоннинг фикрича эса “глобаллашув” тушунчаси 1980-йилларнинг ўрталаридан қўлланила бошланди, “... у дунёнинг қисилиши ҳамда дунё онгининг бир бутун сифатидаги интенсификациясини, конкрет глобал боғлиқлик ва XX аср глобал онгининг бутунлигини ифода эта бошлади”⁴⁸.

Подзигун И.М. глобаллашув жараёнини икки шаклга: табиий ва субъектларнинг аралашуви ҳамда бошқаруви натижасида шаклланаётган глобаллашувга ажратади: “...биринчи, глобаллашувнинг табиий шакли инсон турига хос, глобаллашувнинг сунъий шакли маълум шароитларда дунёда кучлар мувозанати бузилганда ва цивилизациянинг янги йўллари қидирила бошланганда долзарблик касб этади. Тош асридаёқ инсоният бутун планета

⁴⁵ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Меднациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. -Т.: Университет, 2004. -С.53.

⁴⁶ Федотова В.Г. Россия, Запад, Восток.//Философские науки. 2002, № 1. 26 -б.

⁴⁷ Подзигун. Глобализация и глобальные проблемы. Философско методологический анализ. Дисс. На соискание доктора филос.наук. М.,2003.-С.72. бўйича келтирилди.

⁴⁸ Ўша жойда. 72- б.

бўйлаб ўрнашибгина қолмасдан, миграция жараёнлари бошланди, янги тил ва этнослар шаклланди. Бу даврда халқлар ва маданий анъаналар ўртасида савдо алоқалари кенгайди, уларнинг ичида энг йириги Европа, Хитой ва Ҳиндистонни боғлаган Буюк Ипак йўли эди. Маданиятлар ва халқлар ўртасида ўрнатилган алоқалар анъаналарнинг ўзаро бойишига олиб келди, бу нарса алоқадорликка кирган тилда ўз аксини топди. Бу жараённинг илдизларини ёзув, шаҳарлар, цивилизациянинг куртаклари пайдо бўлган неолит давридан топиш мумкин.^{»49}

Бу соҳада бизнинг фикримиз ҳам қайд этилган қарашга яқин. Инсонлар ўз ҳаётларида бошқалар билан муносабатга интилишлари табиий. Инсоният тарихининг барча давларида ҳам интеграция жараёнлари мавжуд бўлган. Жамиятнинг тараққиёти билан бирга улар кенгайиб борган. Глобаллашувнинг илдизлари тарихнинг бошланиши даврига бориб тақалади. Глобаллашувнинг эволюциясига тарихда юз берган ҳар қандай йирик воқеалар ва ҳодисалар таъсир кўрсатган. Бундай эволюциянинг суръатлари асрдан-асрга ўтган сари тезлашиб борган. Уни бир неча босқичларга бўлиш мумкин. Бизнингча бу жараён қуйидагича тарзда намоён бўлади:

- ибтидоий жамоа тузумидан бошлаб йирик миллий ва жаҳон динларининг шаклланиш давригача;
- Ўрта асрлар ва Уйғониш давридан Янги давригача;
- Янги даврдан бошлаб XX асргача;
- XX асрдан бошлаб ҳозирги давригача.

Глобаллашув жараёнига икки жиҳатдан назарий ва амалий жиҳатлардан ёндашув унинг моҳиятини тўлароқ акс эттиришга ёрдам беради. Умумий назарий жиҳатдан олиб қараганда, глобаллашув жамият ижтимоий соҳаларининг интеграциясига асосланган ва прогрессив йўналган тараққиётининг янги босқичи. Лекин амалий жиҳатдан олиб

⁴⁹ Подзигун. Глобализация и глобальные проблемы. Философско методологический анализ. Дисс. На соискание доктора филос.наук.М.,2003.-С.72.

караганда, глобаллашув барча давлатлар ва мамлакатларнинг ўз ижтимоий тараққиёти йўлида янги йўналишларни, тараққиётнинг прогрессив усуллари топиш йўлидаги ҳаракатидир. Бундай ҳаракатлар инсониятнинг янги моҳиятга эга бўлган тараққиёт шакллари кидириб топиш йўлидаги табиий интилишини ифода этади.

Биринчи жиҳат – глобаллашувнинг объектив ва қонуний моҳиятга эга бўлиб, интеграция жараёнининг янги босқичи, аниқроғи, давоми сифатида намоён бўлаётганлигини, бу жараённинг чексизлиги ва давомийлигини тақозо этади. Иккинчи жиҳати, табиий глобаллашув билан бирга субъектларнинг фаолияти натижасида (аниқроғи, аралашуви натижасида) қисман сунъийлик хусусиятига эга бўлиб бораётган ва унинг оқибатида айрим давлатлар ва миллатларнинг прогрессив тараққиётга зид келиб бораётган глобаллашувнинг амалга ошаётганлигини ҳам назарда тутаяди. “Ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг қамровли таъсири деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб яъни иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютуқларининг тезлик билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”⁵⁰.

Глобаллашув ижтимоий ҳодисаларнинг бири сифатида юзага келган. Кейинчалик инсоният тараққиёти, жамиятда миллатлараро ҳамда маданиятлараро иқтисодий – ижтимоий ва сиёсий – маданий муносабатларнинг кенгайиши ва ривожланиши натижасида инсоният

⁵⁰ Каримов И.Ю. Сак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. 112-б.

тарихининг ажралмас, муҳим объектив ва қонуний жараёнларидан бирига айланган. Айтиш керакки, ушбу жараённинг ифодаланиши жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича бўлиб, у ўзида маълум тарихий давр босқичининг моҳияти, хусусияти ва тенденцияларини ифода этади.

Глобаллашув жараёнига қўшилган давлат ёки миллат қанчалик тараққий этиб боргани сари у шунчалик миллатлараро ва давлатлараро муносабатларга, демократик ўзгаришларга кириб боради ва тараққиётининг суръатлари янада тезлашади. Ва аксинча, жамият қанчалик демократик йўлдан тараққий этиб боргани сари, у шунчалик глобаллашув жараёнига ҳам чуқурроқ кириб боради, бу жараён доирасидаги ижтимоий муносабатларга ўзининг ихтиёридан қатъий назар қўшилиб боради. Миллатлар ёки давлатлар изоляцияда (ажралган ҳолда, якка) яшай олмаганликлари сабабли доим бошқалар билан ўзаро муносабатларга интиладилар. Ҳеч қайси миллат ёки давлат алоҳида ва ўз қобиғига ўралган ҳолда тараққий этмайди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ижтимоий тараққиётнинг ўзи объектив тарзда глобаллашув жараёнининг юзага келишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай ўзаро муносабатда томонларнинг иккиси ҳам бир-бирининг таъсири натижасида ўзгариб бориши диалектик ривожланишнинг шарти. Бу нуқтаи назардан глобаллашув жараёнининг ўзи ҳам таъсир этибгина қолмайди. У мамлакатлар ва миллатлар ижтимоий ҳаётини ўзгартириб бориши билан бирга ўзи ҳам жараён сифатида ўзгариб боради.

Глобаллашувнинг тарқалиши ёки кенгайиб бориши барча ижтимоий маконларда бир хил эмас. Бунга сабаб глобаллашувга нисбатан мамлакатларнинг муносабати турлича эканлигида. Айрим мамлакатлар толерантлиги, очиқлиги сабабли глобаллашувга ҳам очиқ муносабатда бўлгани ҳолда, айрим ёпиқ жамиятлар унга қўшилишни истамайдилар. Яна бошқалари бу жараёнга нисбатан нейтрал йўлни танлаган бўлсалар, баъзилари турли йўللار билан унга қарши чиқишга интиладилар.

Бу жараённинг замондаги чегаралари ва амалга ошиш суръатлари ҳам барча мамлакатлар ва миллатлар учун бир хил эмас. У айрим мамлакатлар ҳаётида тезроқ, айримларида эса секинроқ кечиши мумкин. Масалан Ғарб мамлакатларининг ўзида бу жараён тезроқ борса, анъанавий Шарқ мамлакатларида унинг суръатлари нисбатан секинроқдир. Бу жараённинг зиддиятли томонлари ҳам барча даврларда бир хилда намоён бўлмаган

Цивилизациянинг шарқий-анъанавий турларига келсак, уларнинг айримлари (ҳинд-буддавийлари) ташқи таъсирларга нисбатан нейтрал, бошқалари (конфуцийлик) очикроқ бўлиб, улар ўз-ўзини такомиллаштиришга мойилроқ, учинчилари (мусулмонлик) ташқи трансформацияларга камроқ очикдир, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам юқори даражада толерантлиги билан фарқ қилади⁵¹.

Глобаллашув жараёнининг моҳияти унинг қай даражада тараққиётга хизмат қилиши, яъни унинг прогрессивлиги билан белгиланади. Глобаллашувнинг бундай хусусияти унинг қуйидаги жиҳатлари орқали намоён бўлади:

- гуманистик йўналганлилик даражаси;
- жамият ва шахснинг маданий ва маънавий такомиллашувига таъсири;
- миллий маданий ва маънавий қадриятлар тизимига таъсири;
- у олиб келаётган модернизациянинг моҳияти;
- маданий плюрализмга асосланганлик даражаси.

Юқоридаги жиҳатларни умумлаштирган ҳолда глобаллашувнинг моҳиятини унинг қай даражада миллатлар ва мамлакатларни қамраб олганлиги ва уларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари демак, тараққиётга хизмат қилаётганлиги билан боғлаш мумкин. Бундан ташқари глобаллашувнинг натижаларидан барча мамлакатлар ва миллатлар ҳам бир хилда ва тенг фойдалана олиш имкониятига эгами, улар бу соҳада тенг

⁵¹ Зелепухина И.В. Национальное в контексте глобализации. Дисс. на соискание канд. ф.н. Черкасск, 2005. С.31-32.

хуқуқлими, маданий плюрализм диалогига амал қилинмоқдами ? Ана шу саволларга ижобий жавоб бера олган глобаллашув прогрессив моҳиятга эга, деб айта оламиз. Ақсинча, дунё ҳамжамиятининг ўзаро муносабатларида гегемонликка интилаётган айрим мамлакатлар ва улар субъектларининг мақсад ва манфаатларига хизмат қилувчи ва нисбатан кичикроқ мамлакатлар, миллатлар, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлмаган давлатларнинг тенг ҳуқуқлилигини инкор этувчи ҳамда миллий кадриятлар ва миллийликка хавф солувчи глобаллашувнинг моҳияти гуманистик ва прогрессив эмас. “Медалнинг икки томони бўлганидек, глобаллашувнинг ҳам икки-ижобий ва салбий жиҳатлари яққол кўзга ташланмоқда. Агар унинг салбий томонини олиб, социомаданий, сиёсий ва маънавий-психологик маконлардаги фаолиятини кузатадиган бўлсак, воқеаларнинг бориши иқтисод соҳасидан фарқли ўлароқ, бир неча баробар мураккаб эканлигини тан олишимизга тўғри келади”⁵².

Демак, ижтимоий тараққиётнинг ўзи, ижтимоий борликдаги ўзаро алоқадорлик глобаллашув жараёнини объектив тарзда юзага келишига сабаб бўлади. Шу билан бирга бу жараённи амалга ошириш борасида субъектларнинг фаолияти ҳам кенгайиб боради, ҳамда глобализм келиб чиқади. Чунки ҳар қандай ҳодиса амалиётда юз беради, у амалиётга айланиши учун эса субъектнинг онгли фаолияти зарур.

Кўриниб турибдики, глобаллашувни тўхтатиб қолиш ёки унга қарши курашиш тўғрисидаги турли хил назариялар ва назарий ёндашувлар мутлақо асоссиз. Бу ерда бизнингча, ўз манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда глобаллашув жараёнининг айрим салбий оқибатлари ва миллий мақсадларимизга тўғри келмайдиган жиҳатларидан ҳимояланиш, миллий тараққиётга зид келувчи томонларига қарши курашиш тўғрисида гапириш мумкин холос. Бундан ташқари глобаллашувнинг салбий оқибатларини

⁵² Пахрутдинов Ш.И., Жўраев Т.А. ва бошқалар. “Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва хушёрлик тамойиллари (Таҷрибавий қўлланма)” Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008. 181 - б.

маълум усуллар (бу усулларни маҳаллий ижтимоий ва тарихий шарт – шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир миллат ва давлатнинг ўзи танлаб олиши лозим) орқали чеклашлар, зарур бўлганда улардан ҳимояланишнинг йўллари, глобаллашув ижобий жиҳатларидан, яъни жамиятлар ва миллатлар учун олиб келиши мумкин бўлган ютуқларидан ўз манфаатлари, эҳтиёжлари ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ҳақида баҳс юритишгина мумкин.

Тарихий жараён давомида мамлакатлар ва миллатлараро интеграция натижасида келиб чиққан бундай объектив ва қонуний ҳодиса субъектнинг истак ва иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда давом этар экан, демак, ушбу жараёнга тортилган ҳар қандай жамият, жумладан Ўзбекистон ҳам унга нисбатан ўз муносабатини аниқлаб олиши зарур.

Фикримизча, бу йўлда тарихий миллий анъаналарга ўта ёпишиб олиш ҳам, глобаллашув натижасида кириб келаётган замонавий маданиятни тўла қабул қилиш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки биринчи ҳолатда миллат учун ўз қобиғига ўралиб қолган ҳолда жаҳоннинг илғор замонавий маданияти ва қадриятларидан, демакки, демократик тараққиётдан орқада қолиш хавфи туғилса, иккинчи ҳолатда эса, миллий анъанавий қадриятлар, яъни миллий моҳият ва миллий мавқе хавф остида қолади. Чунки миллатнинг мавжудлиги ва мавқеини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бу унинг маданияти ва қадриятларидир. Уларнинг тарихи қанчалик узоқ бўлса, миллатнинг ҳам тарихи шунчалик узоқ ва келажаги эса давомий бўлади. Демак, глобаллашувдан четда қолиб кетиб ҳам бўлмайди ва шу билан бирга уни тўла қабул ҳам қилиб бўлмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, назариётчиларимиз ушбу соҳада тинмай изланишлари, яъни глобаллашувнинг суръатлари, тенденциялари, динамикаси, натижалари ва оқибатларини илгаридан ўрганиб ўзининг илмий фаразлари ва таклифларини беришлари керак. Тинмай миллий маънавий қадриятларимизни ҳозирги замон нуқтаи назаридан қайта ўрганиш ва баҳолаш, глобаллашув натижаларини қабул қилиш, унинг салбий

томонларидан ҳимояланиш усуллари излаб топиш ва манфаатлариимизга ва мақсадларимизга зид бўлган жиҳатларига қарши кураш йўллари аниқлаш лозим. Бундай вазифани тўғри англаб етиш ва уни амалга оширишнинг иложи борича жамият учун “зарарсиз” ва “оғриқсиз” йўллари аниқлаб олиш барча давлатлар ва миллатлар қатори Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Демак, ҳозирда ҳар бир миллат ва мамлакат олдида глобаллашув жараёнига ўз муносабатини белгилаб олишдек муҳим вазифа турибди. Чунки миллатнинг унга муносабатида унинг глобаллашув жараёнининг фаол иштирокчиси, кузатувчиси бўлиши ёки аксинча, бу жараённинг оқибатлари таъсирида унинг пассив эргашувчиси, яъни салбий маънодаги объектига айланиб қолиши мумкинлиги ифода этади.

Юқоридаги жиҳатларни умумлаштирган ҳолда глобаллашувнинг моҳиятини унинг қай даражада миллатлар ва мамлакатларни қамраб олганлиги ва уларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари демак, тараққиётига хизмат қилаётганлиги билан боғлаш мумкин. Бундан ташқари глобаллашувнинг натижаларидан барча мамлакатлар ва миллатлар ҳам бир хилда ва тенг фойдалана оладими, улар бу соҳада тенг ҳуқуқлими, маданий плюрализм диалогига амал қилинмоқдами? Ана шу саволларга ижобий жавоб бера олган глобаллашувнинг шакли прогрессив моҳиятга эга, деб айта оламиз. Аксинча, дунё ҳамжамиятининг ўзаро муносабатларида гегемонликка интилаётган айрим мамлакатлар ва улар субъектларининг мақсад ва манфаатларига хизмат қилувчи ва нисбатан кичикроқ мамлакатлар, миллатлар, иқтисодий жиҳатдан кучли бўлмаган давлатларнинг тенг ҳуқуқлилигини инкор этувчи ҳамда миллий қадриятлар ва миллийликка хавф солувчи глобаллашувнинг моҳияти гуманистик ва прогрессив эмас.

Глобаллашув модернизация ва интеграцияни бирлаштирган ҳолда узоқ давом этадиган жараён. Шу билан бирга у маданият ва ахборотнинг кириб келиши натижасида миллий маданиятнинг ўзгариши

билан бирга унинг тараққий этиш ва янгиликларга мослаша олиш имкониятларини ҳам кенгайтиради. Бу нуқтаи назардан айрим ЕИ, ЮНЕСКО, БМТ, ХВФ каби халқаро ташкилотларни мисол келтириб, уларни глобаллашувни амалга оширувчилар сифатида талқин этувчи айрим тадқиқотчиларнинг фикрига қўшилган ҳолда айтмоқчимизки, бундай халқаро ташкилотлар кўплаб иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш учун миллатларни эмас, давлатларни бирлашишга чақиради. Бундай биргаликда олиб бориладиган фаолият давомида ўз манфаатларини ҳимоя этиш эса кўп жиҳатдан давлат бошида турган сиёсий кучларга, глобаллашувнинг субъектларига боғлиқ.

Кўриниб турибдики, глобаллашувни тўхтатиб қолиш ёки унга қарши кураш тўғрисидаги турли хил назариялар ва назарий ёндашувлар мутлақо асоссиз. Бу ерда бизнингча, глобаллашув жараёнининг айрим салбий оқибатлари ва миллатларнинг манфаатларига тўғри келмайдиган жиҳатларига қарши кураш тўғрисида гапириш мумкин ҳолос. Бундан ташқари глобаллашувнинг оқибатларини маълум усуллар (бу усулларни маҳаллий ижтимоий ва тарихий шарт – шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳар бир миллат ва давлатнинг ўзи танлаб олиши лозим) орқали чеклашлар, зарур бўлганда улардан ҳимояланишнинг йўллари, глобаллашув ижобий жиҳатларидан, яъни жамиятлар ва миллатлар тараққиётига хизмат қилувчи ижобий томонларидан ўз манфаатлари ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ҳақида баҳс юритиш мумкин.

Глобаллашув ва глобал муаммолар доирасида глобалилик ва миллийлик диалектикаси, ўзаро боғлиқлиги ва муносабати алоҳида таҳлилни талаб этувчи масала ҳисобланади. Миллийлик миллат яшаши ва ривожланишининг асосий шарти ҳисобланади. Миллийлик глобаллашув тизимида турли - туманликдан тузилган бир хилликнинг асосий элементи бўлиб, бир хилликнинг (яъни шаклланиб келаётган глобалиликнинг) мавжудлиги, моҳияти ва динамикасига ўз таъсирини кўрсатади. Бу нуқтаи назардан турли-туманлик ёки ҳар хиллик бир хиллик орқали яшайди. Бир

хилликнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигини яъни “тақдирини” унга моҳиятан қарама-қарши бўлган ҳар хиллик ҳал этади.

Фалсафий нуқтаи назардан глобаллиликнинг мезонлари масаласи муҳимдир. Бу масала қандай муаммоларни глобал муаммолар қаторига қўшиш керак ва ушбу глобаллиликнинг намоён бўлиши шакллари қандай? деган саволга жавоб бериш масаласидир. Тадқиқотчилар унга турлича жавоблар бермоқдалар. Бир қатор миллатлар ва халқлар, давлатлар ва минтакаларнинг тақдирига алоқадор ва уларнинг ҳаётига таъсир кўрсатувчи муаммолар глобал муаммолардир. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши инсоният ижтимоий ҳаёти муҳим соҳаларининг тараққиётига ижобий таъсир этувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Демак, глобаллиликнинг мезонлари унинг қай даражада катта ҳудудга тарқалганлиги, давлатлар ва миллатлар ижтимоий ҳаётини қамраб олиниши маконий чегаралари ва уларни ушбу жараёнга қандай тортилаётганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари глобал муаммо давлатларнинг келажагига қандай таъсир этаётганлиги каби масалаларга боғлиқ. Масалан, яқинда АҚШ да 2008 йилнинг октябрида бошланган иқтисодий таназзул дунёнинг деярли барча мамлакатлари иқтисодий ҳаётига таъсир қилиб, уларни турли йўллар билан ҳимояланиш чораларини кўришга мажбур қилмоқда ва уларга катта моддий зарарлар етказмоқда. АҚШ иқтисодий тараққиёт суръатлари бўйича етакчи бўлиши билан бирга у ташқи қарзлар бўйича ҳам етакчидир. Унинг ташқи қарзи ҳозирда 90 триллион долларни ташкил этади. Бу вазият АҚШ нинг Ироқ ва Афғонистонда олиб борган ҳарбий компанияси оқибатида янада чигаллашди. АҚШ ҳукумати иқтисодий – молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида давлат облигацияларини чиқардилар ва уларни дунёнинг АҚШ иқтисоди билан интеграциялашган ўнлаб ривожланган давлатлари сотиб олдилар. Жумладан, Япония 573, Хитой 585 миллиард долларлик облигацияга эга бўлдилар. Аммо, Американинг энг йирик банклари ҳам ўз қарзларини тўлай олмаган ҳолда ўзларини банкрот, деб эълон қилдилар. Бу

соҳада АҚШ билан боғлиқ бўлган Япония ва Хитой каби мамлакатлар бу давлатда бошланган иқтисодий таназзул оқибатларини кучли сезмоқдалар. Ўзбекистонга келсак, давлатимиз билан АҚШ ўртасидаги иқтисодий муносабатлар унчалик кенг эмас, шу сабабли ҳам Ўзбекистонда ушбу таназзулнинг оқибатлари сезиларли рол ўйнамаса керак.

Бундай таназзул натижасида бутун дунёда ишсизлик, савдо ва нарх-наво билан боғлиқ муаммолар юзага келдики, уларнинг таъсирини Ер юзининг деярли барча аҳолиси ўз ҳаётида сезмоқда. Бошқача қилиб айтганда, тараққиётнинг маълум босқичларида инсониятнинг келажаги, тақдири юқорида глобал муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолиши, уларни ўз вақтида ҳал этилмаслиги эса таъсир доираси дунё даражасида бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, баъзан айрим ҳодисаларнинг глобал характери ушбу ҳодиса юз берганидан маълум вақт ўтганидан кейин ҳам юзага чиқиши мумкин. Бу нарса айниқса, маданият, таълим соҳасидаги жараёнларда билинади.

2.2 Глобаллашув жараёнида Ўзбекистон

Ўзбекистон ўзининг улкан тарихий тараққиёти ва ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлган мамлакатдир. У жаҳон цивилизациясига буюк ҳисса қўшган, жаҳон тарихида чуқур из қолдирган далаат ҳисобланади. Ана шуларни назарда тутиб, И.А. Каримов ёзади : «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл - идрок билан маънавий жасоратни,

диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбандий, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган буюк ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум. (И.Каримов, «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида... Т.1997. 140 бет.»)

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида иқтисодий, маданий.ижтимоий жиҳатидан илғор мамлакат ҳисобланади.

Шунингдек,у ўз тараққиёти истиқболлари,имкониятлари жиҳатидан қулай географик - стратегик мавқега эгадир. Ўзбекистон минтақада ҳар томонлама қулай имкониятига эга бўлган истиқболли мамлакатдир.

ҒИ.Каримов таъкидлаганидек: «Ўзбекистон минтақавий мезонларга кўра юксак даражадаги урбанизация ва саноатлашувни, шунингдек, илмий-техник кадрлар билан таъминланганликни турмуш тартибига ва у Шарқ билан Ғарб мулоқатида воситачи.кўплаб цивилизациялар маънавий алоқасининг рамзи ҳам бўлиши мумкин»(И.Каримов «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида- Т.1997.144-бет.»

Ўзбекистон ҳозирги даврда жаҳон цивилизацияси сари ривожланиб бормоқда.Бу ривожланишда ўзига хос ва ўзига мос анъаналар, бетакрор ноёб хусусиятларини сақланиб қолмоқда.

Маълумки, энг йирик цивилизациялар.Шарқ ва Ғарб цивилзациялари ҳисобланади.Бу цивилизациялар ўртасида умумийлик ва ўзига хослик мавжуд. Қатор адабиётларда Ўзбекистон жамияти қайси цивилизация асосида тараққий этадидеган масала қўйиляпти.

Агар Ўзбекистон Ғарб цивилизацияси асосида ривожланса, у ҳолда Ғарб тараққиётига ҳос барча иқтисодий, шунунгдек, ҳаётда мавжуд бўлган зиддиятларни ҳам ўзига сингдиради ва қабул этади.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси асосида тараққий этса, у ҳолда Шарққа ҳос бўлган ижтимоий хусусиятларни, давлатнинг жамият барча жабҳаларига раҳбарларигининг устунворлигини, анъана, расм-русм, вақтни ўзида мужамссамлаштириши керак. Бу эса ривожланиш жараёнини чўзиб юборади, у ёки бу давлатларнинг ривожланиши намунасини нусха сифатида танлашни қийинлаштиради.

Ўзбекистоннинг тарихий қисмати Шарқ тарихининг бир қисми эканлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, жаҳон тарихи, инсоният тарихи яхлит, бир бутун, умумий бирликдан ташкил топган, ўзаро алоқада, ўзаро боғлиқдир. Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилашда қуйидаги тамойилларга асосланиши зарур:

1. тарихий ўтиш даври муаммоларини далиллар асосида аниқ идрок этиш, унинг моҳиятини сеза билиш:

2. миллий анъана, миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш ва такомиллаштириш асосида ривожланиш концепциясини яратиш ва унга қатъий амал қилиш:

3. жамиятнинг барча жабҳаларида: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий жиҳатларни цивилизацияли йўналишга ўтказиш муаммоларини ҳил этиш:

4. халқлар, давлатлар, миллатлар ривожланишидаги ўзаро ўхшашликлар, тафовутлар ва айрим хусусиятларни кунт билан ўрганиш, улардан фойдаланиш, мослаштириш ва бошқалар:

5. шунунгдек, жамият ривожланишининг энг муҳим омиллари сифатида географик муҳит ва уммуман «табiiй» факторлар ролини аниқлаш:

Давлатнинг ҳудудий жойланиши, дарёлар, тоғ, чўл регионларнинг жойланиши, уларнинг ҳўжалик тармоқлари, ер усти, табиий бойликлар,

иқлим, инсон салоҳияти ва бошқаларнинг ўрни ва ролини аниқлаш ва бошқариш.

Ўзбекистоннинг цивилизацияли ривожланиши жаҳон ҳамжамияти билан бевосита боғлиқдир, аммо бу жараёнда у ўзлиги ва ноёблигини сақлаб қолиши керак.

Инсоният ҳозирги жаҳон ҳамжамиятининг очикдан-очик кўриниб турган хилма-хиллиги ва кўпқирралигини. унинг барча субъектлари ўртасидаги турли тенг ҳуқуқликни ҳам бутун жаҳон цивилизацияси муваффақиятли ривожланишини табиий ва зарурий шарт сифатида эггироф этишни талаб қилади (И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...Т.1997 51-52 бет»)

Ғарб цивилизацияси ҳозирги давда ривожланишнинг энг юқори босқичига етди. У жаҳондаги мавжуд цивилизациялар ютуқларини ўзига сингдирди, мазмунан бойиди. Лекин Ғарб цивилизацияси ўз моҳияти, хусусиятлари билан бошқа цивилизациялардан, хусусан, ислом, конфуцизм, япон, хинд, буддизм ва православ маданиятидан фарқ қилади. Бу цивилизациялардан Ғарб идеалига хос бўлган индивидуализм, либерализм, конституционализм, инсон ҳуқуқи, эркинлик, тенглик, қонун устуворлиги, демократия, эркин бозор, черковнинг давлатдан ажратилиши сингари тамойиллар ривожланмаган.

Демократик бошқариш усуллари Ғарбда шаклланди ва ривожланди. Ғарбдан бошқа айрим мамлакатларда вужудга келган ижтимоий, демократик ўзгаришлар Ғарбнинг тазийиқи, зўрлаши асосида рўй берди. Улар бевосита халқнинг ўзидан, шу мамлакат цивилизациясидан ўсиб чиқмаган, балки ташкаридан киритилган эди.

Цивилизация - ривожланишнинг муайян бир босқичидаги бирон-бир халқ ва мамлакатнинг ижтимоий- иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифатий ўзига хослигидир. Айрим тадқиқотчилар цивилизация асосини маданият, халқ, ҳудуд билан боғласалар, бошқалари динни асос қилиб оладилар.

Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий- маърифий ва цивилизацияли тараққиётида дунёвий илмлар билан бир қаторда турли диний таълимотлар ҳам ўзига хос ўрин тутган. «Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, - деб ёзади И. А. Каримов,- дин ҳар доим одамларнинг ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан ҳалос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват этган, бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган; иродасини мустаҳкамлаган, бир-бирига меҳр- оқибатни оширган».

Ҳар бир халқ ўз миллий психологияси, маданияти ва интеллектуал салоҳиятига мос равишда ўз миллий давлатчилигини яратади. Сиёсий ва ҳуқуқий маданият цивилизациянинг муҳим элементи ҳисобланади. Миллий давлатчилик асосларини яратмай туриб, цивилизация яратиб бўлмайди.

Шарқ цивилизациясига хос бўлган қуйидаги муҳим хусусиятларни кўрсатиш мумкин :

- 1) Шарқдаги барча дунёвий, диний ва фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорик билан муносабатда бўлишни, сабр- тоқатлиликни тарғиб этган ;
- 2) одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик, ҳамжихатлик руҳи кучли бўлган;
- 3) миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган;
- 4) авлод-аждодларга, катталар, ота-онага ҳурмат билан қарашга алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Шарқ цивилизацияси бағрида ривожланди. Унинг цивилизациясига хос белгилар: камбағал ва ожизларга ғамхўрлик, ўзаро ёрдам, табиатга оқилона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-тоқатлилик, ватанпарварлик, катталарга ҳурмат кабилардир.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси тараққиётига илм- фан, ахлоқ, дин, санъат, маданият соҳасидаги улкан ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшди.

Миллий мустақиллик йилларида ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон ўз миллий кадриятлари, маънавий мероси ва бой маданиятига таяниб, Ғарб ва Шарқнинг умумбашарий кадриятлари ва тажрибаларини ижодий ўзлаштириб, жаҳон цивилизацияси йўлидан бормоқда.

Ҳозирги замон цивилизацияси ўзига хос хусусиятларга эгадир. Энг муҳими, жаҳон цивилизациясини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантиришдир. Жаҳон цивилизациясини таназзулга олиб келадиган қатор таҳдидларни бартараф этиш, инсонни олий кадрият сифатида эъзозлаш, табиатни авайлаб-асраш, экологик хавфсизликни таъминлаш, оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш, давлатлар, халқлар ўртасидаги низоларни сиёсий йўл билан музокаралар орқали ҳал этиш, турли жиноий уюшмаларга барҳам бериш, халқаро терроризм ва гиёҳвандликка, турли юқумли касалликларга қарши курашиш, кишиларда янгича дунёқараш ва сиёсий тафаккурни шакллантириш ҳозирги замон цивилизациясининг муҳим муаммоларидир.

Бундай муаммоларни оқилона ҳал этиш учун турли мамлакат, минтақа халқлари ўртасида умумий ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка бўлган интилиш тобора ортиб бормоқда.

И. А. Каримовнинг қатор асарлари ва нутқларида таъкидланганидек, айрим минтақалардаги можаро ва зиддиятлар ўз вақтида оқилона ҳал этилмаса, жаҳон цивилизацияси ривожига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Турли фалсафий системаларда дунёнинг ижтимоий- маданий тараққиёти мезони турлича талқин этиб келинди. Хусусан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси, техник ва технологик ютуқлар, табиий географик омилга ижтимоий-маданий ривожланиш мезони сифатида қараб келинди. Ҳозирги пайтда қатор фалсафий адабиётларда шахс маънавияти ва унинг эркинлик даражаси ижтимоий- маданий тараққиёт мезони сифатида кўрсатиляпти.

Миллий мустақиллик йилларида маданиятимизнинг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари учун пухта замин яратилди. Бу, аввало, бой маданий меросимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш имкониятларининг яратилганлигида, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилганлиги ва собитқадамлик билан амалга оширилаётганида, миллий маданиятларнинг раванқ топиши ва бир-бирини бойитиши учун қулай шарт-шароитлар яратилишидир.

Жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ аجدодларимиз меросини кенг тарғиб этишда мамлакатимиз илм-фан ва техника салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлигида, юртимиз ободончилиги йўлида катта тадбирларнинг амалга оширилаётганлигида намоён бўляпти.

Маданият ва цивилизациянинг асосий тамойиллари, қонуният ва хусусиятларини билиш - маънавий камолот манбаидир.

Маданият ва цивилизациянинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур идрок этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ёш авлодни юксак маданиятли ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш миллий тараққиётнинг муҳим талаби, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош вазифасидир.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида юксак маданиятли инсонни тарбиялаш, қонунчиликка амал қиладиган, фуқаролик бурчини адо этадиган, фуқаролик жамияти талабларига риоя қиладиган, ҳар қандай келишмовчилик ва ихтилофларни оқилона ҳал қила оладиган, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган цивилизацияли баркамол шахсни шакллантириш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, маданият ва цивилизация бир-бирини тақозо этадиган ҳодисалардир. Миллий мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳада эришилган ютуқлар мамлакатимизнинг цивилизацияли тараққиёти учун пухта замин яратади.

Ўзбекистон цивилизацияси ва маданияти анча бой ва узоқ ривожланиш тарихига эгадир. У ислом дини, маданияти орқали Шарқ мамлакатлари учун хос бўлган умумий маданият манбаалари билан уйғунлашади. Бу эса ўзбек цивилизациясининг шарқона асосини белгилади. Аммо ўзбек цивилизацияси ўзига хос хусусиятларининг бетакрорлиги, ноёблиги ва миллийлигини сақлаб қолди. Ўзбек цивилизацияси қатор хусусиятлари билан Марказий Осиё давлатлари ва халқлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, яхлит цивилизацияни яратиш имкониятини кучайтирмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон цивилизациясининг йўналиши ҳамкорлик ва бирликни мустаҳкамлашга, айниқса, Марказий Осиё мамлакатларида маданият, дин ва урф-одатларни ҳисобга олиб интеграциялашув жараёнини амалга ошириш, минтақада цивилизацияларaro зиддиятлар кескинлашувининг олдини олишга, маданият ва кадриятларни ўрганиш, авайлаб-асраш, даврга мослаштиришга, мавжуд цивилизациялар ўртасидаги умумий томонларни топиш, цивилизацияларни синтезлаштиришга қаратилгандир.

И.А.Каримов ана шу жараёнлар тўғрисида шундай деб ёзади:

“Марказий Осиё халқларининг интеграцияси бор нарсa, бу мавжуд воқелик - ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги объектив зарурият деб ҳисоблаймиз. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларига эга бўлган халқларимизнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади”⁵³

Давлатимизнинг глобаллашувга муносабати уни тўла қабул қилишдан ҳам ва ундан тўла ҳимояланишдан ҳам иборат бўлмагани ҳолда қуйидаги жиҳатларга асосланиши лозим:

⁵³ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997.-Б.320.

1. Мамлакатимиз ва миллатимиз мақсадлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда глобаллашувнинг ижобий натижаларидан имкон қадар кенгрок ва унумлироқ фойдаланиш;

2. Глобаллашув жараёнининг мамлакатимиз ва миллатимиз ижтимоий - иқтисодий ҳаётига зид бўлган ҳамда маданий - маънавий ҳаётига таҳдид солувчи салбий оқибатларини аниқлаш ва улардан ҳимояланиш;

3. Глобаллашувнинг салбий оқибатларига қарши альтернатив йўллар ва усулларни излаб топиш;

4. Глобаллашувнинг динамикаси ва тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда унга доим мослашиб бориш, фойдаланиш ва зарур бўлганда унинг салбий жиҳатларига қарши курашиш;

5. Глобаллашув жараёнидаги асосий йўл миллат менталитети, тарихий маънавий қадриятларини замонавий умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳамда жамиятни эркинлаштиришга хизмат қилувчи илғор демократик қадриятлар билан уйғунлаштиришга эришишдан иборат бўлиши лозим.

Қайд этилган жиҳатлар жамиятнинг глобаллашувга бўлган муносабатида прогрессив ва соғлом консерватизм, миллий анъаналар ва қадриятлар, илғор новацияларга асосланган модернизм, ҳамда чекланган прагматизмдан иборат бўлган ёндашувга хизмат қилиши лозим.

Хулоса

“Цивилизация” тушунчасининг моҳияти ҳозирги кунда унинг дастлаб қўлланилган даврлардаги моҳиятидан анча фарқ қилади. “Цивилизация” ўта кенг тушунча, бундай сифатда у турли-туман маданиятларни ўз ичига олиши ва унинг чегаралари улкан ҳудудларни,

аҳолини бирлаштириши мумкин. Якка ҳолда олинган маданиятга нисбатан цивилизация тушунчасини қўллаш нотўғри

Миллатлар ва давлатлараро муносабатларда давр эҳтиёжларидан ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда баъзан иқтисодий, баъзан сиёсий ва баъзан маданий жиҳатлар асосий ўринга чиқади ҳамда глобаллашув жараёнининг ҳам моҳиятига таъсир кўрсатади. Ушбу жиҳатлардан қайси бири олдинга ёки бош ўринга чиқиши бу муносабатларда етакчилик қилаётган давлатнинг ва миллатнинг мақсадлари, хусусиятлари ва имкониятлари билан боғлиқ. Масалан, бугунги глобаллашувнинг моҳиятини кўпроқ иқтисодий ва бу соҳа билан боғлиқ тарзда сиёсий хусусиятлар белгилаб бермоқда. Чунки унда етакчилик қилаётган Ғарб давлатлари, асосан АҚШ ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бу жараёнга ана шундай мазмун бермоқдалар.

Тарихий жараён доим ҳам цивилизацияларнинг тараққиёти билан биргаликда борган. Аниқроғи, тарих цивилизациянинг натижаси, деб айтиш мумкин, ва аксинча цивилизация ҳам тарихий тараққиётнинг натижаси. Бу икки объектив жараён бир-биридан ажралмаган ҳолда ёнма-ён боради. Цивилизация маданиятга асосланади. Маданиятлар ва цивилизацияларнинг ўзаро муносабати тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида пайдо бўлган янги ҳодиса эмас. Инсоният шаклланиши жараёни тарихининг ўзи ҳам маълум бир цивилизациялар муносабатларининг ва янги цивилизациялар пайдо бўлишининг натижаси сифатида қаралиши мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатларда ижтимоий тизимнинг мустаҳкамлик даражаси катта аҳамиятга эга бўлади. Демак, глобаллашув жараёнининг тенденциялари мамлакатда қайта қуришлар ва ижтимоий онга ўзгаришлар бораётган пайтда кўпроқ ижобий характерга эга бўлади. Баъзан жамиятнинг ижтимоий онгида шундай ҳодисалар юз берадики, унинг айнан шу даврдаги менталитети, психологик ҳолати, ижтимоий кўтаринкилиги, ташқи таъсирга мойил бўлиши мумкин. Бунинг устига миллатнинг психологиясида толерантлик,

кўнгли очиклилик хусусияти кучли бўлса модернизация жараёни глобаллашув субъектлари учун муваффақиятли кечади. Бундай шароитда янги ғояларнинг кириб келиши ва тарқалиши, кичик бир ижтимоий сиёсий гуруҳнинг ҳаракатлари ҳам жамиятдаги ижтимоий – сиёсий ва маънавий вазиятни ўзгартириб юбориши мумкин. Шундай ҳолларда объектив ва субъектив омилларнинг бир – бирига мос тушиши ҳам глобаллашув учун ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин. Демак, глобаллашув шароитида юз бераётган модернизация жараёнининг оқибатлари турлича бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Илм-фан ва технологиянинг ўсиши натижасида кириб келаётган ва ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир қилувчи янгиликлардан фойдаланиш ва уни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этиш бугунги куннинг талабидир. Шундан келиб чиққан ҳолда бундай янгиликларнинг жамият аъзолари томонидан ўзлаштирилиши учун шарт – шароит яратиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бир каторда, миллий кадриятларимизга зид келувчи ва прогрессив традицияларимиз тизимини издан чиқарувчи янгиликларга қарши альтернатив таклиф ва лойиҳаларни ўртага ташлаш талаб этилади.

Глобаллашув шароитида турли тарихий цивилизацияларнинг ўзаро муносабатлари доирасида унинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари алоҳида ўрин тутди. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, кириб келаётган янгиликлар тизимида прогрессив ва регрессив, позитив ва негатив потенциалга эга бўлган, баъзи ҳолларда эса маҳаллий тизимнинг манфаатларига айнан мос келиши мумкин бўлган ғоялар ҳам бўлиши мумкин. Бундай ғояларнинг кириб келиши таъсир этаётган ва модернизацияни амалга ошираётган субъектларнинг манфаатларига мос келмаслиги ҳам мумкин. Лекин шунга қарамасдан бундай элементларни янгиликлар тизимидан ажратиб олиб бўлмайди.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидаги ижтимоий - тарихий ўзгаришларнинг барчаси иқтисодий, сиёсий ва маданий глобаллашувнинг ҳамда цивилизациялар ўзаро муносабатининг оқибатидир. Глобаллашув жараёнининг барча йўналишлари ўзининг ривожланиш қонуниятлари, тенденциялари ва

механизмига эга. Бу йўналишларнинг ичида асосийси (детерминанти) иқтисодий глобаллашув бўлиб, у айниқса XX асрнинг охирига келиб жаҳон иқтисодий тизими сифатида бутунлай янги моҳият касб этди.

Ҳозирги даврнинг иқтисодий глобаллашуви асосида интеграцион жараёнлар ётибди. Иқтисодий интеграциянинг суръатлари шу даражада тез ва кенг қамровлики, у глобаллашувнинг бошқа йўналишларини ҳам, маҳаллий иқтисодий ҳаётнинг характерини ва моҳиятини ҳам белгилаб бермоқда. Бу иқтисодий интеграция тизимининг таъсиридан энг кам сонли кичик миллатлардан тортиб йирик миллатларгача четда қолмаган. Кичик миллатлар ва давлатлар бундай шароитда барча имкониятларини ишга солган ҳолда ушбу жараёнга мослашиб яшашга ҳаракат қиладилар. Бундай мослашишнинг шакллари ҳар хил бўлиши мумкин. Улардан бири адаптация (мослашув), яъни жамият ички иқтисодий – сиёсий ва маданий ҳаётининг ташқи таъсир натижасида қайта қурилиши. Масалан бунга XX асрнинг асосий воқеалари - революцион жараёнлар, давлатлар гуруҳларининг тузилиши, коалициялар, фундаменталистик ва террористик ҳаракатлар ва бошқаларни позитив ёки негатив моҳиятга эга бўлган ҳолда глобаллашувга қарши туришнинг шакллари деб айтиш мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, маданий глобаллашув даврида цивилизациялар муносабати зиддиятли ва қарама - қаршилиқларга бой бўлган жараёндир. Иқтисодий глобаллашувдан фарқ қилган ҳолда, маданий глобаллашув маълум чегарагача бўлиши лозим. Бундай чегара бузилган тақдирда маҳаллий цивилизациянинг ўзга цивилизациядан ҳимояланиш функцияси ўз вазифасини бажара олмай қолади, унинг оқибатида тизимнинг ички ривожланиш потенциали асосида шаклланган ташқи негатив таъсирга қарши тура олиш қобилияти аста-секин йўқолиб кетиши мумкин. Бу нарса охир-оқибат миллатнинг ижтимоий тартибни сақлаб туришга қаратилган ахлоқий-маънавий манбаларини, яъни негатив омилларга қарши тура олиш қобилиятини бутунлай сарфланиб, унинг емирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда барча миллатлар ва давлатлар Ғарб маданиятининг таъсирини, аниқроғи, босимини ўзида сезмоқда. Бундай шароитда маҳаллий миллат ёки давлатнинг ташқи таъсир жараёнига қарши кураша олиш қобилияти ва имкониятлари унинг тарихдаги ўрни, маданий моҳияти, турмуш тарзи ва маънавий – маданий қадриятларининг қай даражада сақлай олганлиги билан чамбарчарс боғлиқ.

Маҳаллий цивилизация ва миллий маданиятнинг глобаллашув таъсирида ўзгариб бориши икки хил йўл билан амалга ошиши мумкин: а) табиий йўл билан, яъни фан ва янги технология ютуқларининг кириб келиши асосида маънавий қадриятлар ядросини сақлаган ҳолда босқичма-босқич объектив ривожланиш; б) глобаллашув жараёнига жавобан мажбурий ривожланиш. Биринчи ҳолатда ижтимоий-маданий тараққиёт қонуний тарзда, субъектив омилларнинг ихтиёрий иштироки ва ҳоҳиши асосида кечади. Бу йўл маданият тизимининг ички ривожланиш потенциалини на фақат сақлаб қолади, балки унинг яшаб қолиши ва динамикаси учун имкониятлар яратади. Иккинчи ҳолда эса давлатлар ва миллатлар иқтисодий, баъзан эса сиёсий жиҳатдан йирик мамлакатларга боғлиқ бўлганлиги оқибатида модернизация шартларини, замонавий маданият ва турмуш тарзини қабул қилишга мажбур бўладилар. Бундай йўл маҳаллий маданият, традициялар ва қадриятлар тизимининг издан чиқишига, миллатнинг моҳияти ва тарихий ўрнини йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Традициялар миллатнинг ўзига хослиги, қайтарилмаслигини сақлаб қолиш имконини беради, авлодларнинг бирлиги ва боғлиқлигини ифодалайди. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, традицияга ортиқча баҳо бериш ва унинг аҳамиятини ўта бўрттириб юбориш доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Чунки, ижтимоий тараққиёт натижасидаги прогрессив омиллар таъсири остида янги авлодларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш қийин бўлади. Бундай ҳолат эса ўз навбатида жаҳон ҳамжамияти доирасида маданий диалог олиб бориш имкониятларини чеклайди,

хамда кўпчилик томонидан тан олинган умуминсоний қадриятларни ва демократик рухдаги прогрессив маданиятни кириб келишини қийинлаштиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, цивилизациялар қаторидан муносиб ўрин олиш, жаҳон цивилизациясига ўз хиссасини қўша олиш учун ижтимоий жараённинг субъектлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси цивилизациялар диалогига ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши ва тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида фаолият кўрсатиши лозим.